



44.2
Ф-24

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ФАНЛАР ЧУҚУРЛАШТИРИЛИБ ЎҚИТИЛАДИГАН СИНФЛАРДА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ





24
Ф 24

✓

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Р.Г.Сафарова, Р.У.Нуржанова,
Ф.И.Юсупова, С.У.Ибрагимов

0231

ФАНЛАР ЧУҚУРЛАШТИРИЛИБ ЎҚИТИЛАДИГАН СИНФЛАРДА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«Сано-стандарт» нашриёти
Тошкент – 2012

УДК: 37.036.5

КБК: 74.202

Ф24

Фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларда
таълимни ташкил этиш технологияси/ Р.Г.Сафарова ва
бошқ. – Тошкент «Сано-стандарт», 2012. – 96 бет.

ISBN 978-9943-396-98-2

УДК: 37.036.5

КБК: 74.202

Мазкур китобда чуқурлаштирилган таълимни ташкил этишга оид назарий ёндашувлар ва мавжуд тажрибалар, таълим мазмунини модернизациялаш параметрлари, фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларда таълим мазмунини танлашнинг дидактик асослари, чуқурлаштирилган таълимни ташкил этиш тамойиллари, восита ва усуллари ҳамда технологиялари баён қилинган. Шунингдек, унда чуқурлаштирилган она тили таълими мазмунини танлашга оид дидактик ёндашувлар, бошланғич синф она тили курсининг чуқурлаштирилган мазмуни хусусида ҳам сўз боради.

Китоб фанларни чуқурлаштириб ўқитадиган ўқитувчилар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Тақризчилар: п.ф.д., проф. Ф.Р.Юзликаев
п.ф.д. Ш.Қ.Мардонов

ISBN 978-9943-396-98-2

© «Сано-стандарт», 2012 й.

МУҚАДДИМА

Фанларни чуқурлаштириб ўқитиш жараёнида ўқувчиларда юқори даражада қизиқишнинг мавжудлиги кузатилади. Фанларни чуқурлаштириб ўқитишда ўқитувчи олдида турган муҳим педагогик вазифалардан бири – чуқурлаштирилган таълимнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри англаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўзига хос педагогик технологияларни қўллашдан иборат. Бу муаммонинг ечими бугунги кунда чуқурлаштирилган таълим тизими учун ниҳоятда зарурдир. Чунки фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларда асосан муайян ўқув предметига катта қизиқиш билан қарайдиган ўқувчилар жалб этилади. Бундай ўқувчилар одатдагидан кўпроқ ихтисослашган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга интиладилар. Ўзига хосликнинг асосий манбаларини ҳисобга олган ҳолда уларни қисмларга бўлиш мумкин.

Биринчи ўзига хослик умумий ўрта таълим мактаблари дастурларида баён қилинган одатдаги билимлардан кўра тўлиқроқ ва чуқурроқ мазмунга эга бўлиш, ҳодисаларни ўрганиш, тушунчалар, қонуниятлар ва назарияларни ўқувчиларга тақдим этиш. Бу, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг яққол намоён бўладиган қизиқишларини қондириш эҳтиёжи билан изоҳланади. Иккинчидан эса, ўқувчилар чуқурлаштириб ўрганилаётган билимларнинг бошланғич мазмуни билан таниш бўладилар. Бундай шароитда уларнинг ҳодисаларни ўрганишга бўлган қизиқишлари қондирилмайди. Шунинг учун ҳам, муайян ҳодисаларни ўқувчилар чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиладилар. Масалан, ўзбек давлатчилиги тарихи, ўзбек тилининг вужудга келиши каби.

Иккинчи ўзига хослик шунда намоён бўладики, ўқув материалларини баён этиш ва уларни ўқувчиларга етказишда қатъий мантиқий изчилликни таъминлаш ниҳоятда зарур. Бир томондан қараганда қўйилган талаблар эскирган ва барча ўқув фанларини ўқитишда бир хил талаб қўйиладиганга ўхшайди. Бироқ, аслида бундай эмас. Ўқувчилар у ёки бу ўқув фанига қизиқар эканлар, улар ўқитувчининг тушунтиришлари, изоҳларига алоҳида эътибор ва қизиқиш билан қарайдилар. Шу аснода улар ҳар бир ҳолатни тез илғаб оладилар. Масалан, улар ўзлари ўрганаётган билимлар ўқув предметининг одатдаги мазмунидан чуқур ёки саёзлигини тез пайқайдилар. Шу билан бир қаторда, ўқув материалининг қатъий

мантик асосида баён этилиши ўқувчиларга ўрганилаётган материалларнинг мантикига чуқурроқ кириш имконини беради. Бунинг натижасида улар юкори даражадаги билимларга оптимал йўллар билан ўтиш имкониятига эга бўладилар. Шу тарика, уларнинг кийинчиликлари қисман бартараф этилади.

Учинчи ўзига хослик шунда намоён бўладики, ихтисослаштирилган ўқув предмети ўқитувчиси ўз фанини чуқур билиш билан бир каторда, мазкур фаннинг замонавий ютуқлари, назарий методологик асослари, чуқурлаштирилган билимларни ўқувчиларга етказиш йўллари ва технологияларини ҳам билиши лозим. У мазкур фан йўналишидаги илмий ёндашувлар, концепциялар, назариялар, чоп этилган янги ишлар мазмунидан хабардор бўлиши керак. Ўқувчилар муайян ўқув фанига алоҳида қизиқиш билан қарар эканлар, шу йўналишдаги ишларни кўп ўқийдилар, кўплаб илмий-оммабоп материалларни кўздан кечирадилар, илмий журналлар, интернет материаллари билан шуғулланадилар ва тушунмаган нарсаларини ўқитувчидан сўраб, билиб олишга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчининг мазкур саволларга жавоб беришга тайёрилиги чуқурлаштирилган таълим муваффақиятини таъминлашнинг асосий омилidir.

Фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларда таълим беришнинг тўртинчи ўзига хос жиҳати, турдош ўқув фанларига оид билимлардан кўпроқ фойдаланиш имкониятининг мавжудлигидадир. Масалан, тарих дарсларида имкон қадар ўқувчиларнинг адабиёт, санъат, аждодларимиз меросига оид билимлардан кенгрок фойдаланиш имкониятини яратиш лозим. Ватан туйғуси дарсларида тарихга оид билимлар, математика дарсларида физика, геометрия, экологияга оид билимлар уйғун тарзда тақдим этилади. Бу эса ўз навбатида, ўзига хос технологияларни қўллашни тақозо қилади. Бундай ёндашув натижасида ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштиришда ўқув фанларининг ўзаро ижобий таъсири таъминланади. Буларнинг барчаси ўқувчилар ўзлаштирган билимларни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, чуқурлаштирилган ўқув фанларининг мазмуни кўшимча материаллар киритиш ҳисобига кенгайтирилмаслиги керак. Бундай ёндашув қуйидаги бир катор сабабларга кўра мақсадга мувофиқ эмас:

- чуқурлаштирилган фанлар мазмунини кенг қўламда кенгайтириш ўз навбатида, ўқувчиларнинг ўқув меҳнатини оғирлаштиради. Бу эса уларнинг саломатликларига салбий таъсир кўрсатади;

- чуқурлаштирилган фанларни ўқитиш жараёни олдига ўқув материаллари ҳажмини кенгайтириш вазифаси қўйилмайди. Балки улар мазмунан чуқурлаштирилади ва бойитилади;

- ўқув материалларини эслаб қолиш мустахкамлиги ва тафаккурнинг ривожланиши ўқув материаллари чуқур ўзлаштирилган тақдирдагина юқори бўлади. Кенг қўламдаги ўқув материалларини ўзлаштиришда эса, ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантириш мураккаблашади ва ўқув материалларини ўзлаштириш мустахкамлигини таъминлаш имконсиз бўлади;

- таълимнинг ҳар қандай лойиҳалаштирилган тизими умумтаълим мактаблари дастурлари билан олий ўқув юрти дастурларини мувофиқлаштиришни тақозо қилади. Умумтаълим мактаблари дастурларининг чуқурлаштирилиши олий ўқув юрти дастурларига ўзгартиришлар киритишни ҳам таъминлаши лозим. Акс ҳолда дастурларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.

Шу билан бир қаторда, дастурга киритилган материаллар билан чегараланган миқдордаги соатлар мувофиқлигини ҳам таъминлаш лозим. Агар киритилган ўқув материаллари билан соатлар мувофиқ келмаса, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлари юзаки характер касб этади. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари ва чуқурлаштирилган таълимнинг самарадорлиги паст бўлади. Шунинг учун ҳам, фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларда ўқув жараёнининг мазмуни одатдаги ўқув жараёнининг мазмунидан муайян даражада фарқ қилиши лозим.

Бунда чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар дастурларини тамоман кенгайтириш мумкин эмас деган хулоса қилиб чиқмаслиги лозим. Ўқув дастурининг маълум даражада кенгайтирилиши илмий-педагогик жиҳатдан ҳар томонлама асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Дастурни кенгайтириш мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳажм жиҳатдан сезиларли даражада катта бўлмаган материални киритиш ўқув фани баёнининг маънавий асосга эга бўлишини таъминлайди.

Чуқурлаштирилган мазмуннинг одатдаги мазмундан фарқи унинг чуқурлиги ва бойлигида намоён бўлиши лозим. Ихтисослашган фанларни чуқурлаштирган ҳолда ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, уни ташкил этиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқитувчиларни муайян тавсиялар билан қуроллантириш масалалари долзарб инновацион ҳодиса сифатида ўз ечимини қутмоқда. Мазкур муаммо доирасида:

1) фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларда таълимни ташкил этиш технологияларини аниқлаш ва назарий жиҳатдан асослаш;

2) фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларда таълимни ташкил этиш технологияларини қўлланиш соҳасидаги халқаро тажрибаларни умумлаштириш;

3) фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларда таълимни ташкил этиш технологиялари билан ўқитувчиларни курулантириш каби масалаларни ҳал этишга эҳтиёж туғилмоқда

Демак чуқурлаштирилган таълимнинг моддий-техник базасини яратиш ва мазкур жараёни илмий-методик жиҳатдан таъминлаш бугунги кунда ўз ечимини қутаётган мураккаб вазифалардан биридир. Шубҳасиз бу маблағ ва педагогик воситалар – хусусан фанларни чуқурлаштириб ўқитиш учун мўлжалланган кабинетлар ва лабораторияларни жиҳозлаш имкониятларини кенгайтиришни тақозо этади. Муайян ўқув фанлари бўйича чуқурлаштирилган таълим беришга мўлжалланган синфларни ташкил этишда ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари учун зарур бўлган техник воситалар билан хоналарни жиҳозлаш талаб этилмоқда. Бундай синфларда замонавий лабораторияларда фойдаланиладиган техник воситаларнинг намуналари сақланиши муҳим амалий аҳамиятга эга. Масалан, табиий фанлардан чуқурлаштирилган билим беришга мўлжалланган синфларда истиқболда электрон осциллографлар, электр қувватини доимий ва ўзгарувчан шароитларда кучайтириб берадиган ускуналар, барқарор сигнал генераторлари, импульслар генераторлари, спектрометрларнинг намуналари, макетлари бўлиши лозим.

Фанлар чуқурлаштирилган синфларда таълимни муваффақиятли амалга оширишда дарсликлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур дарсликлар бошқа дарсликлардан ўқув материалининг мантикий жиҳатдан қатъий ифодаланганлиги, ўрганилаётган ҳодисаларнинг чуқур изоҳланиши турдош фанлараро алоқадорликнинг таъминланганлиги билан фарқ қилади. Чуқурлаштирилган таълимни амалга ошириш учун дарслик билан бир қаторда илмий-оммабоп адабиётлардан ҳам самарали фойдаланиш механизминини вужудга келтириш тақозо этилади.

ИБОБ. ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Чуқурлаштирилган таълимни ташкил этишга оид назарий ёндашувлар ва мавжуд тажрибалар

Иқтидорли ўқувчилар ўзига хосликка эга бўлиб, уларга ҳар доим таълимнинг стандарт талаблари тўғри келавермайди. Иқтидорли болаларга хос бўлган хусусиятлар сирасига қизиқувчанлик, билишга эҳтиёж, битмас-туганмас куч-қувват ва мустақилликни киритиш мумкин. Бундай ўқувчилар интеллектуал ҳамда ижодий ривожланишда ўз тенгдошларидан ўзиб кетадилар. Шунинг учун ҳам «педагогика» фани олдида иқтидорли ўқувчиларга «Нимани қандай ўргатиш керак?», «Иқтидорли болаларни қулай тарзда ривожлантириш йўллари ва усуллари нималардан иборат?» деган саволлар долзарб бўлиб туради.

Ижодий фаолиятга интилиш иқтидорли болаларнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Улар ҳар доим ўз шахсий ғояларини илгари сурадилар ва уларни катъият билан ҳимоя қиладилар. Шунинг учун ҳам улар ўз фаолиятларига қўйилган талаблар билан чекланмайдилар. Иқтидорли ўқувчилар ҳар доим топириқларни счишнинг янги ечимларини излаб топадилар. Бундай ўқувчилар табиий тарзда таълим жараёнида юқори даражадаги мустақилликка эга эканликларини намоён этадилар. Шунинг учун ҳам ўз синфдошларига нисбатан ўқитувчининг ёрдамига камроқ эҳтиёж сезадилар. Ота-оналар ва ўқитувчиларнинг улар фаолиятига кўпроқ аралашуви натижасида уларнинг ўқув ҳаракатларида салбий ҳолатлар кузатилади, хусусан уларнинг мустақиллиги чекланиб, янги ўқув материалларини ўзлаштиришларида путур етади.

Иқтидорли ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этишда уларнинг мустақиллиги, ташаббускорлиги ва масъулиятларини ошириш имкониятларини излаш лозим. Иқтидорли ўқувчилар муайян ўқув предметлари ёки уларнинг қисмларини ўз хоҳишларига кўра танлашга интиладилар. Улар ўқув материалларини тез, чуқур ўрганишни хоҳлайдилар ва ўзларининг ўқув ҳаракатларини режалаштирадилар. Шуларни ҳисобга олган ҳолда иқтидорли

ўқувчиларга мустақил изланиш, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишга қўмаклашадиган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи мавжуд. Шу мақсадда интернет, масофали ва интерфаол таълим каби янги ахборот технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимида иктидорли ўқувчиларни аниқлаш, педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларга таълим беришда учта ёндашувга таянилади:

1. Иктидорли ўқувчилар учун махсус ўқув дастурларини яратиш ва таълим муассасаларини ташкил этиш.

Бу соҳада АҚШда жуда бой илмий-амалий тажриба тўпланган. Иктидорли ўқувчиларни аниқлаш мақсадида ташхислаш ва тестлаштириш соҳасида қатор ютуқлар мавжуд. Давлат таълим тизимида иктидорли болаларни ўқитиш методикалари ишлаб чиқилган, шунингдек, чуқурлаштирилган ўқув дастурлари ва махсус тайёргарликка эга бўлган ўқитувчиларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилган. Мазкур йўналишдаги фаолиятда Фан ва таълим вазирлиги, кўпгина университетлар, коллежлар, маҳаллий таълим ташкилотлари иштирок этадилар.

Австрияда ҳам иктидорли ўқувчилар учун махсус ўқув дастурлари яратилган ва жорий этилган. Бунга мактаб ва мактабдан ташқари манбалар жалб қилиниб, улар ёрдамида таълим жараёни бойитилади ва жадаллаштирилади. Махсус мактаблар ва синфлар ҳамда кенг қўламли танловлар ва олимпиадалар ўқувчиларнинг иктидорларини рўёбга чиқаришга сафарбар этилган. Давлат дастури даражасида иктидорли ўқувчиларга таълим-тарбия бериш учун махсус тайёргарликка эга бўлган ўқитувчилар жалб этилган.

2. Иктидорли ўқувчиларни умумтаълим мактабларида ўқитиш.

Англияда иктидорли ўқувчилар одатдаги мактабларда ҳар томонлама қўллаб-қувватланадилар. Бу мамлакатда иктидорли ўқувчилар учун алоҳида синфлар ва мактаблар ташкил этилмайди. Иктидорли ўқувчилар учун таълимни ташкил этишнинг муҳим принципларидан бири улар ўқиётган таълим муассасаларида ўқув жараёнининг қулайлиги ва мақсадга мувофиқлигини таъминлашдан иборат. Англиядаги ҳар бир мактаб иктидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш учун давлатдан молиявий қўмак олади.

3. Иқтидорли ўқувчилар учун хусусий мактаблар ва университетлар ҳузурида мактаблар ташкил этиш.

Бельгия, Греция, Ирландия, Италия, Португалия, Франция, Швеция, Дания, Норвегия каби ривожланган Европа мамлакатларининг таълим тўғрисидаги қонунида эса иқтидорли ўқувчиларга таълим-тарбия бериш масаласи алоҳида таъкидланмаган. Мазкур мамлакатларда иқтидорли ўқувчилар учун мўлжалланган ўқув-методик мажмуалар хусусий таълимий ташаббуслар ва курслар даражасида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда иқтидорли болаларни ривожлантириш учун университетлар ҳузурида ҳам махсус ўқув курслари ташкил этилади.

Масалан, Германияда иқтидорли ўқувчилар учун «Немис мактаб академияси» номи ёзги таълим дастури мавжуд. Мазкур академиянинг асосий мақсади иқтидорли ўқувчиларнинг лаёқатларини самарали ривожланишларини таъминлашдан иборат. Уларнинг ўз тенгдошлари билан мулоқот қилишларига имконият яратиш, юқори даражадаги майлларни ҳосил қилиш, интеллектуал қувватларини муайян мақсадга йўналтириш мазкур академиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Хитой, Корея, Таиланд ва Сингапур каби Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида иқтидорли ўқувчилар учун махсус мактаблар ташкил этилмаган. Бироқ улардаги университетлар ҳузурида ҳам иқтидорли ўқувчиларга чуқурлаштирилган таълим беришга мўлжалланган ўқув муассасалари мавжуд.

Мамлумки, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда қўшимча таълим алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчилардаги иқтидорнинг турли кўринишларини ривожлантириш мақсадида ҳар бир таълим муассасаси ҳузурида тўғрақлар ташкил этиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Кўриниб турибдики, иқтидорли ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратадиган мамлакатларга АҚШ етакчилик қилади. Мамлакатда иқтидорли ўқувчиларга таълим-тарбия беришда турли-туман педагогик методлар ва шакллардан фойдаланилади. Жумладан: «Магнитли мактаблар», «Ҳурмат синфлари», «даражаланмайдиган синфлар», «аралаш лаёқатли» гуруҳларда таълим бериш қабилар. Иқтидорли ўқувчиларга таълим-тарбия беришда ахборот технологиялари алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки ўқувчиларнинг компьютерда ишлаш кўникмаларини ривожлан-

тириш уларнинг майлларини ошириб, мустақил билим олиш ва билиш фаолиятларини ривожлантиришга кўмаклашади.

АҚШда иқтидорли ўқувчиларга таълим беришга йўналтирилган турли стратегиялардан фаол тарзда фойдаланилади. Шунинг учун ҳам ушбу йўналишда махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. Шундай стратегиялар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: жадаллаштирувчи (мактабга эрта келишини тезлаштирувчи, одатдаги синфларда ўқишни жадаллаштирувчи, синфдан-синфга сакратиш, ихтисослашган синфларда ўқитиш, хусусий мактабларда таълим бериш); бойитувчи (танлаб олинган ўқув предмети доирасида имкон қадар жадал юқори даражадаги билиш фаолиятига интилиш, анъанавий ўқув курсларида қўшимча билим олиш орқали ўрганилаётган соҳага оид билимларни кенгайтириш); фанлараро таълим бериш (ўрганиш учун танланган мавзу ёки муаммонинг глобал характер касб этиши, ўқув материали мазмунининг юқори даражада бойитилганлиги) кабилар.

АҚШда иқтидорли ўқувчиларга таълим-тарбия беришда устозлик дастурларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда устоз – маслаҳатчи ва мураббий сифатида намоён бўлади. У ўқувчи учун хулқ-атвор модели, танқидчи сифатида уларнинг ютуқларини кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Устоз ўқувчиларда нафакат билим, кўникма, малакалар ҳосил қилади, балки уларда етакчилик қобилиятларини ҳам шакллантиради, ижтимоий ҳамкорликка киришиш кўникмаларини ҳосил қилади. Тенгдошлари билан дўстона муносабатлар ўрнатишлари ва ижодий ютуқларга эришишлари учун қулай муҳитни вужудга келтиришлари учун кўмаклашади.

Россияда ҳам иқтидорли ўқувчиларга таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилади. 2000 йилда мазкур давлат ҳукумати томонидан «Иқтидорли болалар» дастури қабул қилинган. Мазкур дастурнинг асосий мақсади иқтидорли, талантли болаларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини вужудга келтиришдан иборат эди. Шу билан бир қаторда мамлакатнинг интеллектуал, ижодий қувватларини ривожлантириш, иқтидорли болаларни танлов асосида аниқлаш механизмларини вужудга келтириш назарда тутилган.

Рус олимлари томонидан «Иқтидорлилар ишчи концепцияси» ишлаб чиқилган. Мазкур концепцияда иқтидорли ҳамда

талабдори болаларни аниқлашнинг принциплари ва методлари назарий жиҳатдан асосланган. Ушбу давлатнинг сиёсатида юқорида таъкидланган барча ёндашувлар мужассамлашган.

Россияда иқтидорли болаларга таълим беришнинг таркибий тузилмаси сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Мактабгача таълим тизими – умумий ривожлантириш характеридаги болалар боғчалари, «Болаларни ривожлантириш марказлари», бунда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ривожланишлари учун қулай шарт-шароит яратилган.

2. Умумтаълим муассасалари тизими – бундай таълим муассасаларида иқтидорли болаларни индивидуаллаштириш учун шарт-шароит яратилган.

3. Қўшимча таълим тизими – мактабдан ташқари фаолият жараёнида иқтидорли болаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш имконини беради.

4. Мактаблар тизими – бундай таълим муассасалари иқтидорли болалар билан ишлашга йўналтирилган бўлиб, шундай болаларнинг иқтидорлари ва имкониятларини умумий таълим олиш жараёнида қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Булар сирасига лицейлар, гимназиялар ва типик бўлмаган мактаблар киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, учинчи, тўртинчи ёндашувлар бугунги кунда Россия Федерацияси бўйлаб кенг тарқалган. Чунки мазкур ёндашувлар иқтидорли болаларнинг билиш ва шахсий хусусиятларини ўрганиш, ижодий фаолиятларини кенгайтириш имконини беради. Мактабдан ташқари бирлашмалар ўқув дастурлари доирасида ўқувчиларнинг қизиқишларини амалиётга татбиқ этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтидорли ўқувчиларга таълим беришда Россияда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида тўртта ёндашувга амал қилинади:

1. Жадаллаштирилган таълим.

Россияда бундай ёндашувнинг ижобий намунаси сифатида Ўзги, кишки оромгоҳлар, ижодий устахоналар, мастер-класс машғулотларини кўрсатиш мумкин. Уларда табақалаштирилган дастурлар асосида турлича иқтидорга эга бўлган ўқувчиларга жадал таълим бериш жараёни амалга оширилади.

2. Чуқурлаштирилган таълим.

Муайян билим ёки фаолият соҳасига қизикадиган ўқувчилар учун бундай ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун

ҳам фанлар чуқурлаштирилган таълим муассасалари кенг тарқалган. Уларда математика, физика, хорижий тиллар бўйича чуқурлаштирилган билим берадиган таълим муассасалари мавжуд.

3. Бойитилган таълим.

Ўқувчилар ўзлари кизиққан фаолият турлари учун старли даражада шуғулланишларига бўш вақт қолдирилади. Бунда уларнинг иктидорлари ҳисобга олинади.

4. Муаммолаштирилган таълим.

Бундай вазиятларда таълимнинг ўзига хос хусусияти алоҳида бетакрор тушунтириш усулларида фойдаланиш, янги фикрлар ва умумлашган усуллари излашда намоён бўлади. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг турли соҳадаги билимларни ўрганишларида шахсга йўналтирилган ёндашувни таъминлашга хизмат қилади. Бундай жараёнларда ўқувчиларнинг таҳлилий онги ривожлантирилади.

Интеллектуал жиҳатдан иктидорли бўлган ўқувчиларга таълим беришда ижодий характердаги методлар алоҳида аҳамият касб этади. Булар сирасига муаммоли, изланишга асосланган, эвристик, тадқиқотчилик, лойиҳаловчилик методларининг мустақил, индивидуал, гуруҳли иш усуллари билан уйғунлашувини таъминловчи методларни киритиш мумкин. Мазкур методлар юқори даражадаги билиш ва мойилликка ундаш қувватига эга бўлиб, ўқувчиларнинг билиш даражалари ва имкониятларини жадаллаштиришга мувофиқ келади.

Дарс ҳозирги давр ўқув-тарбия жараёнида таълим мақсадларини амалга оширишда асосий таълим шакли ҳисобланади. Бир неча асрлар давомида таълимнинг дарс шаклидан бошқа бир янги шакли назариётчи ҳамда, амалиётчилар томонидан ҳам тақлиф этилмаганлиги аён ҳақиқат. Ўқувчиларнинг англаш фаолиятларини янада жадаллаштириш учун қилинган ҳаракатлардан бири таълимнинг ташкилий турларидир. Синф-дарс тизимини саклаб қолган ҳолда индивидуаллашган ўқитишни ташкил этиш АҚШнинг Пуэбло шаҳрида 1888 йилда П.Серч томонидан «Пуэбло-план» номи билан яратилган эди. Бу режа ўқув режаси шаклида бўлиб, у ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Бу режанинг муҳим жиҳати шундаки, унга кўра барча ўқувчилар учун ўқув материаллари уларнинг шахсий ўзига хосликлари, қабул қилиш маромларига

асосланган ҳолда ўргатилар, ўзлаштирилган ўқув материаллари 2 баъли «қоникарли» ва «қоникарсиз» тарзда баҳоланар эди. Қобилиятли ўқувчиларга қўшимча топшириқлар берилар эди. 1898 йилда «Пуэбло-план»нинг асосий қисмларини сақлаб қолган ҳолда АҚШнинг Санта-Барбара шаҳрида Ф.Бёрк томонидан «Санта-Барбара-план»и ишлаб чиқилди. Бу режага кўра ўқувчилар қобилиятларига қараб уч гуруҳга бўлиб ўқитилган. Ўқув топшириқлари ўқув материалининг ҳажми ва мураккаб-лигига ҳамда ҳар бир гуруҳ таркибидаги ўқувчиларнинг билим даражасига қараб берилган. Улар ўқув йили давомида билим даражаларининг ўзгаришига қараб бир гуруҳ таркибидан иккинчисига чекланмаган муддатга ўтказилиб турилган.

1898 йилда АҚШнинг Норт-Денвер шаҳрида Ж.Ван Синкль томонидан яратилган. «Норт-Денвер-план» режада эса индивидуал ишларнинг мураккаблашиб боровчи ўқув топшириқлари сифатида қўлланилиши назарда тутилган. АҚШда «Батов системаси» номи билан ҳам тизим мавжуд бўлган. 1898 йил Нью-Йорк штатида Ж.Кеннеди томонидан «Батавая-план» номи билан ишлаб чиқилган, бу режага асосан синф ўқувчилари жамоаси билан ўқитувчи ҳамда ўқувчилар билан индивидуал ишлаш учун ассистент шугулланган. Бунда ўқув жараёни иккига бўлинади. Биринчи қисмда дарсдаги ишлар умумий синф билан, иккинчиси — индивидуал топшириқлар бўлиб, унда шундай ўқувчилар бўладики, улар бошқалардан қолиб кетмаслиги учун ҳаракат қилади. Шунингдек, ўта иқтидорли ўқувчилар ҳамда иккинчи гуруҳ билан ўқитувчи ишлайди, қолган ўқувчилар ўқитувчининг ёрдамсиз мустақил ишлайдилар.

Яна шундай гоёлардан бири ўтган XX асрда АҚШ халқ таълими намоянаси бўлган Е.Паркхерст томонидан таклиф этилган эди. Бу «Дальтон-план» деб номланиб, у таълими индивидуallashtирини ва ҳар бир ўқувчини ўқитишда мустақиллик ҳамда жадалликни белгиловчи таълим тури ҳисобланади. Бунда ўқувчилар умумий синф ишида бир-бирлари билан алоқада бўлмаганлар. Алоҳида фанларни ўрганишда топшириқларни ўзлари танлашлари учун эркинлик берилган. Ўқитувчи билан ҳар бир ўқувчи ўртасида ўқув материалининг мустақил ўзлаш-тирилишини билдирувчи «шартнома» тузилган. Ўзлаштирилган ўқув материаллари юзасидан назорат ишлари мураккаб тарзда тузилган карточкалар ёрдамида олинган.

Ўтган асрнинг 20-йилларида «Дальтон-план»нинг айрим ғояларидан таълимнинг гуруҳли ва амалий турларида фойдаланилган эди. Бу шакл синфнинг ёки гуруҳнинг жамоавий ишини ҳар бир ўқувчининг индивидуал иши билан мувофиқлаштирганлиги жиҳатидан «Дальтон-план»дан фарқ қилган. Бироқ, бундай ёндашув ўқитишнинг гуруҳли – амалий-ташқилий тури кенг ёйилишига асос бўлди.

Индивидуал ўқитиш шаклларида яна бири «Говард-план» номи билан мавжуд бўлиб, у 1920 йилларда Лондонда ташкил этилган. Бу режанинг муаллифи Говард аёллар ўрта мактабининг ўқитувчиси М.О.Брайен-Харрис бўлиб, у М.Монтессори ғояси асосида ушбу режани тузади. Говард режаси ўқувчиларнинг ўқув гуруҳларида тақсимланиши ва уларга мослашувчанлигини оширишга мўлжалланган эди. Бу режага асосан ўқувчилар турли гуруҳларда турли ўқув предметлари билан шуғулланишлари мумкин эди. Бошланғич синфларда ўқитиш «горизантал» ва ўрта бўғинда эса «вертикал» ҳолдаги бир нечта катта гуруҳларга ажратилган тартибда олиб борилган. Топшириқларни бажариш жараёнида индивидуал маслаҳатлар ва мустақил индивидуал ишларнинг кўпчилигини ўқитувчи раҳбарлигидаги кўшимча гуруҳли топшириқлар ташкил этган.

«Йена-план» ҳам мактаб ишларини ташкил этиш тизимларидан бири бўлиб, у ўқувчилар умумий фаолияти билан биргаликда олиб бориладиган индивидуаллашган ўқув-тарбиявий жараёндан иборат. «Петер Петерсен мактаби» деб номланган ушбу режа 1920 йилда Йен университети профессори П.Петерсен ғояси асосида ишлаб чиқилган. Бунда синфлар тўртта турли хил ёшдаги ҳар бирида 40 тагача ўқувчи бўлган гуруҳлар билан алмашинган. Катта ёшдаги мактаб ўқувчилари кичик ёшли ўқувчилар учун васийлик вазифасини бажаришган. Гуруҳ ичида турли хил кўринишдаги ўқув топшириқларини бажариш учун вақтинчалик эркин тарзда кичик гуруҳлар тузилган. «Йена-план» ўқув материалларини тематик жиҳатдан интеграциялаш асосида ўқитишни мажмуавий тарзда олиб боришга мўлжалланган. Дарс турли кўринишдаги ўқув ишлари билан алмашинган. Унда ўқувчилар ўз билимларини ўзлари баҳолашга йўналтирилган.

«Виннетка-план» эса 1920-21 йилларда таълим жараёнида қўлланилган индивидуаллаштирилган ўқитиш тизими ҳисобланади. Бу тизим АҚШнинг Иллинойс штатидаги Виннетка

кишлоғида ишлаб чиқилган. Унинг муаллифи мактаб назоратчиси К.Ушбёри бўлиб, у бир вақтнинг ўзида таълим мазмунини ва ўқувчининг ўқиш маромини биргаликда индивидуallashtirishga ҳаракат қилган. Бу режага асосан куннинг биринчи ярмида ўқувчилар билан индивидуал шуғулланилган, бунда ўқув материаллари ўқувчиларнинг аниқ мақсадларини ҳисобга олишга йўналтирилган. Ўқитиш жараёни «ташхисловчи» тестлар ёрдамида бошқариб турилган. Куннинг иккинчи ярмида эса ўқитиш жараёни ўқувчиларнинг жамоавий ишларига йўналтирилган гуруҳли фаолиятлари билан тўлдирилган. Гуруҳли лойиҳаланган ишларга ҳар кун икки соатдан вақт ажратилган бўлиб, бир ойдан тўрт ярим ойгача муддатда олиб борилган. Бу лойиҳалар ўқув предметлари мазмунига тааллуқли бўлмади, балки ҳар бир ўқувчининг қобилиятини ривожлантиришга қаратилган театрlashtirilgan сахна кўринишлари, турли хил уюштирилган мусиқали томошалардан иборат бўлган.

Баъзи мамлакатларда таълимни ташкил этишда аҳолининг турли-туман ижтимоий қатламлари учун ўқитиш имкониятлари турлича бўлишини таъминлашга эътибор қаратилган. Ушбу мақсад йўлида ҳар бир шахснинг бетакрорлиги, бирбутунлигини таъминлайдиган ўзига хосликка асосланиш тенденцияси мавжуд. Кўнгини америкалик ва инглиз дидактлари Е.Мелби, Р.Ворнер ва бошқалар ўрганиш — бу шахсий индивидуал жараён бўлса, ҳар бир ўқувчи нимани ўрганиши керак? деган саволни кўндаланг кўядилар. Шу сабабли ўқувчиларни индивидуал режалар асосида муайян жадалликда ўқитиш таклиф этилади.

Америкалик психолог-педагог Ф.С.Келлер томонидан олий ўқув юрглари учун индивидуallashtirishgan ўқитиш тизими ишлаб чиқилган. Бу тизим «Келлер-план» деб номланиб, 1963-1964 йилларда Бразилия университетида «психология» фанини ўқитиш тизими сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, у 1968 йилда университет ўқув ишларида умумлашган кўринишда умумдидактик тизим сифатида қўлланилиши таклиф қилинган.

«Келлер-план»нинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлган:

1. Ўқув материалининг тўлиқ ўзlashtiriliшига эришишда ўрганиlashtirishgan бўлимда берилган ўқув материали билан кейинги бўлимдаги ўқув материаллари ўртасидаги узлуксизликнинг таъминланганлиги.

2. Ҳар бир ўқувчининг шахсий мароми асосида индивидуал иш олиб боришига эришилганлиги.

3. Ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқув қўлланмаларидан фойдаланилганлиги.

4. Ўқувчиларнинг маърузаларда иштирок этишларини таъминлашда майл ва қизиқишларининг ҳисобга олинганлиги.

5. Бўлим юзасидан берилган ўқув материалларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилганлик даражасининг баҳоланганлиги кабилар.

Ўқувчилар ўқув қўлланмалари асосида ўз ўқув фаолиятларини олиб боришган, чунки унда ўзлаштирилган бўлим юзасидан ўз билимларини синаб кўриш учун саволлар рўйхати берилган. Ўқувчилар ҳар бир бўлим ўрганилгандан сўнг ушбу бўлим бўйича синов ишлари топширганлар ва факат қониқарли ўзлаштирилганларигина кейинги бўлимни ўрганишга ўтишган.

АҚШ мактаб ўқувчиларининг гуруҳли ишлари билан бир каторда таълим индивидуаллигини маълум даражада мувофиқлаштирадиган «Трамплан»да техник воситалардан кенг фойдаланиш асосида ўрта жараёни юкори даражада индивидуаллаштириш назарда тутилади. Бу режа асосида одатдаги дарслар катта гуруҳларда, индивидуал дарслар эса кичик гуруҳларда ташкил этилади. Ўқувчиларга янги материаллар техник, аудио-видео-визуал воситалар ёрдамида тақдим этилади. Индивидуал ишлар синф хоналари, фан кабинетлари ва лабораторияларда ташкил этилади. Трамплан режаси 1970 йилларнинг охирларида АҚШда кенг тарқалган ўқитишнинг ташкилий шакли ҳисобланади. Ушбу режанинг муаллифи америкалик педагог Ллойд Трампланинг фикрича ўрта мактабларда ўқитиш 100-150 кишидан иборат бўлган гуруҳларда (маърузаларда таълим турли-туман техник воситалардан фойдаланган ҳолда) ўтказилади. Бу ўқув материалларини ўрганишга кетадиган вақтнинг 40 фоизини ташкил этади. Бунда асосан назарий маълумотлар баён этилади. 10-15 кишидан иборат бўлган кичик гуруҳларда эса, маъруза материалларини муҳокама этиш ҳамда айрим бўлимларини чуқур ўрганиш, кўникмалар ва малакаларни такомиллаштиришга дарс вақтининг умумий 20 фоизи сарфланади ҳамда фан ва лаборатория хоналарида ўқувчиларнинг мустақил тарзда бажарадиган индивидуал ишларига вақтнинг 40 фоизи ажратилади.

Сўнгги йилларда хорижда индивидуаллаштириш муаммоси бўйича кўпгина олимлар турли хил нуктаи назарда илмий тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Жумладан, А.Кирсановнинг «Ўқувчилар мустақил ишини индивидуаллаштириш орқали уларнинг билим олиш фаоллиги ва мустақиллигини ривожлантириш», Д.У.Байсалов, Л.Н.Белонскаяларнинг «Кечки мактабларда ўқитишни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш», Г.А.Захаровнинг «Физикани самарали ўқитишда ўқувчиларга индивидуал ёндашиш», Р.Д.Телебаеванинг «Индивидуал ёндашув ўқувчилар билим сифатини ошириш демакдир», И.А.Гаспарянининг «Ўлаштирмовчи ўқувчилар билан индивидуал ишлаш», Н.Уитнинг «Ўқитишни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш», М.К.Акимова ва В.Т.Козловаларнинг «Ўқувчилар индивидуаллиги ва индивидуал ёндашув», М.А.Назмутдинованинг «Ўқувчилар ўқув фаолиятини индивидуал ўқитиш орқали бошқариш, Т.Черемухинанинг «Ўқувчилар билан индивидуал иш олиб бориш», П.Чернобелская, А.Борисов, В.И.Твардовскаяларнинг «Тайёрлов курси тингловчиларини индивидуал ўқитиш», М.Д.Миронованинг «Модулли ўқитиш индивидуал таълимни амалга оширишнинг имконияти сифатида», И.В.Дробышеванинг «Компьютер ёрдамида математикани ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш», М.А.Акопованинг «Техника олий ўқув юртларида ЭХМ ёрдамида чет тилини ўқитишни индивидуаллаштириш» мақсусидаги илмий тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.

Таълим жараёнини индивидуаллаштиришнинг назарий-амалий асосларини яратиш йўлида республикамиз олимлари томонидан ҳам бир катор ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ж.Ғ.Йўлдошев бу борада сўз юритар экан, шундай дейди: «Таълим жараёнини индивидуаллаштириш шундай ўқиш усулики, бунда ҳар бир ўқувчи ўқув жараёнида фаол иштирок этиб, ўқув-билув жараёнига шахсий хисса қўшиши ҳисобга олинади».

О.Розиқов ва бошқалар томонидан нашр этирилган «Дидактика» китобида таълимни индивидуаллаштириш – уни ҳар бир ўқувчининг ўз индивидуал хусусиятларига мослаб ташкил этиш, ўқув-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш йўли билан бу жараёндаги турли тўсиқлар боланинг тортинчоклиги, ўқитувчи билан ўқувчининг бир-бирини англамаслиги, ўқув материалининг мураккаблиги кабиларни бартараф этиши хусусида сўз боради.

Р.Ғ.Сафарова ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни педагогик қўллаб-қувватлаш, қобилият ва иқтидорларини рўёбга чиқариш, муайян шароитга мослашувчанлигини қарор топтиришга йўналтирилган махсус ўқув фаолиятида уларнинг оптимал ривожланишини таъминлаш муҳим эканлигини ўзининг бир қатор илмий ишларида таъкидлаб ўтган.

У.Қ.Мусаев ўз тадқиқотида таълим жараёнида ўқувчидаги индивидуалликни ривожлантириш натижасида шахснинг ўзига хослигини намоён қилиши, ўқувчидаги индивидуал имкониятларнинг ривожланиши, идрокнинг ўсиши, билим ва қадриятларни ўзлаштириш ҳамда тақдим этиш имкониятини бериши, Р.Ҳасанов, М.Нишонбаевларнинг илмий тадқиқот ишларида эса ўқувчиларнинг билим даражаларини табақалаштирган ҳолда уларга индивидуал ёндашув муаммолари баён этилган.

Ў.Қ.Толипов бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан дидактик талаблардан бири машғулотларнинг турли шакллари: жамоавий, гуруҳли ва якка тартибдаги шаклларини мақбул равишда қўшиб олиб бориш лозимлигини таъкидлаган.

Шунингдек, Ж.Толипова, А.Ғофуровларнинг «Биология таълими технологиялари» номли методик қўлланмасида ўқитишни индивидуаллаштириш технологиясини қўллашда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш, ўқитиш мазмуни, восита ва услубларини танлашда уларнинг шахсий хусусиятлари, кизиқишлари, эҳтиёжларини ҳисобга олиши, педагогик-психологик, ташкилий ва бошқариш йўллари билан белгилаши лозимлиги ҳақида фикр юритилган.

М.Қаландарова ўз методик қўлланмасида ўқувчиларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришда муҳим педагогик омиллардан бири – ўқув жараёнини индивидуаллаштириш эканлигини кўрсатиб ўтган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга нисбатан индивидуал ёндашув таълим самарадорлигини таъминлаш йўлларида бири сифатида жуда муҳимдир.

1.2. Иқтидорли ўқувчиларга таълим беришга оид дидактик ёндашувлар

Иқтидорли болаларга таълим бериш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маъмур жараён бир қатор педагогик-психологик ҳодисалар билан боғлиқ тарзда амалга оширилади. Улар истеъдод, талант, иқтидор, лаёқатлар, ижодкорлик, иқтидорли болалар, умумий иқтидорлар, иқтидорлилик, ижодий тафаккур, долзарб иқтидорлилик, куч-қувватга асосланган иқтидорлилик, махсус иқтидорлилик қабилар.

Истеъдод – низоъда юксак қобилият, бирор соҳада юксак даражадаги лаёқат демакдир. У идрок, тасаввур, тафаккур, хотира, кузатувчанлик бениҳоя ўсганлигида, воқеа-ҳодисаларнинг янги афрсларини, уларнинг замиридаги мураккаб алоқадорликни кашф этишда кўринади. Кишининг билимларни ўзлаштириши, назарий ва амалий масалаларни ҳал этиши, ижоди, ўз билими ва малакаларини турмушга таъбиқ қила билишидан унинг истеъдодини билиш мумкин. Истеъдод ҳақида турли назариялар мавжуд¹.

Истеъдод авлоддан-авлодга ирсият орқали ўтади, таълим-тарбия ёрдамида вужудга келтирилади. Болалардаги табиий, туғма анатомик-физиологик лаёқат ўқув ва меҳнат фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Истеъдод инсоннинг хоҳлаб танлаган касбий фаолияти жараёнида ўзини намоён қилади. Билим, кўникма, малака, тажрибалар ўқувчиларда истеъдодни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Қобилият ёки лаёқат ўсиши учун қулай шартшўний-педагогик шароит яратилгандагина, яъни у тарбиялаб қамолга етказилгандагина истеъдод юзага чиқади. Истеъдодга шахснинг меҳнатсеварлиги ва ижодкорлиги қўшилганда кўп кашфиётлар яратилишга қодир бўлади. Даҳо истеъдоднинг юксак нммуаси ҳисобланади. Даҳо эгаси батамом янгилик ижод этиб, ўз соҳасида бетакрор кашфиётлар яратади.

Талант – 1. Юқори даражали туғма қобилият; истеъдод. 2. Юксак қобилиятга, катта истеъдодга эга бўлган шахс².

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебиносо-Кониғул. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 273-274- бетлар

² Ўзбек тилининг изохли лугати. 3-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 649-бет.

Иктидор (араб. кодир бўлмок, кила олмок) – шахснинг ижодий хусусияти ва ақлий фаолиятини англатадиган тушунча¹. Ўқувчилардаги иктидор улар фаолиятининг турли кўринишларида намоён бўлади. Чунончи, ўқув фаолияти, мустақил фикрлаш фаолияти, тасвирий фаолият, фикрни баён қилиш, математик ҳисоблаш, спорт соҳасида яққол намоён бўлади. Шунингдек, ўқувчиларнинг иктидорлари уларнинг амалий фаолиятларида ҳам акс этади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўз иктидорларини рўёбга чиқариш учун таълим жараёнида билим ва кўникмаларини мунтазам оширишлари лозим. Ўқувчиларнинг иктидорлари ахлоқий меъёрлар билан уйғунлашгани сари мукаммаллашиб бораверади. Шунинг учун ҳам иктидорли ёшларни тарбиялаш ва камол топтириш жамият тараққиёти учун, айниқса, зарур. Инсоннинг иктидори унинг интеллекти билан боғлиқ ходисадир. Қобилият эса айрим ўқувчилар фаолиятида намоён бўлади. Иктидор ҳамда қобилият ўзаро бир-биридан фарқ қилса-да аммо, улар бир-бирини тақозо этади. Шунинг учун ҳам инсонда иктидор ва қобилият уйғунлигини таъминлаш уни маънавий баркамоллик сари етаклаш имконини беради. Иктидор ва қобилиятни шакллантиришда биофизиологик, педагогик ижтимоий, табиий омиллар, сезгилар ва маънавий-ахлоқий тарбия муҳим ўрин эгаллайди. Иктидор, авваламбор, гнесеологик вазифани бажаради. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўз иктидорлари орқали моддий борлик ва воқеликни билишга, унга ижодий ёндашишга эришади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлати ва ҳукумати иктидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Ёшлар йили» давлат дастури каби кўплаб ҳужжатларда ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Биз жамиятимизда инсоннинг ўз қобилиятини, табиат ато этган иктидори ва истеъдодини тўла намоён этиши учун адабиёт санъат ва умуман эркин ижодий фаолият ривожини учун зарур шароитларни яратишимиз лозим»², деб таъкидлайди. Бу эса

¹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: «Ғафур Ғулом» номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 240-б.

² Ўша манба.

ахлоқ, айниқса, ёшлар ўртасида иктидорли йигит-қизларни топиш, тарбиялаш ва камолга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Иктидорли – куч-қудратга молик, қудратли, кодир¹.

Лаёқат – бирор ишга яроқлилиқ, кодирлик, қобилият².

Лаёқат – инсоннинг анатомик-физиологик хусусияти бўлиб, қобилиятлар ривожининг асосидир. Лаёқат қобилиятнинг наслий мустақамланган омили, қобилият ривожланишининг табиий замини. Муайян шароит мавжуд бўлганда лаёқат қобилиятнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлайди³. Инсонда қанчалик кучли лаёқат бўлмасин, агарда у муайян фаолият билан қатъий ва мунтазам шугулланмаса, ундан таниқли мутахассис чиқмайди. Қобилиятга нисбатан лаёқат кўнқирралилиги билан ажралиб туради, яъни айнан бир хил қобилиятлар шаклланиши ва ривожланиши мумкин. Лаёқат кўнқирралидир, шунинг учун ҳам ҳар бир қобилият муайян лаёқат тартида намоён бўлиши мумкин эмас. Шунга қўра, айти бир лаёқат асосида турли қобилиятлар юзага келиши мумкин. Лаёқат инсон ривожланишининг турли даврларида ҳам намоён бўлиши мумкин. Лаёқат шахснинг махсус қобилиятлари таркиб топиши ва ривожланиши учун асос бўладиган ўзига хос имкониятдир. Лаёқат инсоннинг маънавият ва маърифатга, табиатдаги бетакрорликни ҳис этишга мойиллиги ҳамдир. Лаёқат қанча кучли бўлса, инсондаги бурч ва масъулият туйғуси ҳам шунчалик қатъий бўлади. Шу асосда унинг оғида юксак маънавият ҳамда маърифат шаклланади.

Ижодкорлик – ижодкорлик иши, ижодкорга хос фаолият; яратувчилик⁴.

Ижодий тафаккур – эркин фикрлаш ва ижодкорлик тамоинли устувор бўлган тафаккур шакли. «Тафаккур» арабча «фикр» сўздан ясалган бўлиб, ўйлаш, фикр-мулоҳаза юритиш деган маъноларни билдиради. Ижодий тафаккур эса воқеа-ҳодисаларни кўрсатиш, таққослаш, таҳлил этиш асосида фикрни ривожлантириш, унинг янги-янги қирраларини очиш, шу тариқа билим

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 264-бет.

² Уша манба.

³ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: «Ғафур Ғулом» номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 263-б.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 176-б.

ва тасаввур дунёсини бойитиб боришни англатади. Ижодий тафаккур – инсонга хос энг муҳим хусусиятлардан бири¹.

Ижодий тафаккур юритиш имкониятига эга бўлган ўқувчилар ўзларининг мустақил фикрлаш кўникмаларини эғалайдилар. Бундай ўқувчилар ўқув жараёни ва объектив борликка нисбатан эркин муносабатда бўлиб, ҳар қандай воқеа-ходиса юзасидан ўз фикрларини мустақил баён қила оладилар. Ижодий тафаккур соҳиби жамиятни маънавий янгилаш, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун жонбозлик кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Қобилият – инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятлари². Қобилият билимдан кескин фаркланади, билим муталаа натижаси ҳисобланади, қобилият шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусиятидир. Қобилият кўникма, малакадан фарқ қилади. Аксарият илмий манбаларда маҳорат билан қобилият бир хил талқин этилади. Қобилият таълим жараёнида такомиллашиб боради. Ҳар қандай қобилият фаолиятнинг талабларига мутаносиб хусусиятлар тизимини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам қобилият шахс фаолияти талабларига жавоб бера оладиган ва юқори натижаларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар мажмуидир. Барча турдаги қобилиятларга хос бўлган хусусият – кузатувчанлик, фахмлай олиш, объектнинг аломатларини кўра олиш, ажратиш кўникмасидир. Қобилиятнинг муҳим хусусияти нарса ва ходисалар моҳиятини ижодий тасаввур қила олишдан иборат. Қобилият шахс тараққиёти ва табиий манбалар маҳсулидир. Бундай манбалар сирасига зехнни киритиш мумкин. Зехн муайян фаолиятга нисбатан қизиқувчанлик, мойиллик интилишда намоён бўлса, зехннинг кўрсаткичлари эса инсон қобилияти ички имкониятларининг табиий асоси сифатида намоён бўлади. У иштиёқ, мойиллик, меҳнатсеварлик, ишчанлик талабчанлик кабиларнинг маҳсулидир. Қобилиятлар умумий ва махсус қобилиятларга бўлинади. Инсоннинг умумий қобилият сирасига юксак ақлий имконият ва тараққиёт ифодаси киради. Қобилият табиий асосда шаклланиши ва муайян таълим дастурлари асосида ривожлантирилиши мумкин. Ўқувчиларнинг қобилиятлари маълум фаолиятга мойилликлари, интилишлари оркали, табиий зехн

¹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Фағур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2010. - 185-6

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. Қизилқумит-Хўрмуз. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2005. -31- бет.

инсониятини аниқлаш, уларни ўқитувчи раҳбарлигида узлуксиз ўқув-ижодий фаолиятга жалб этиш, бу жараёнда ўқувчилар қобилиятини такомиллаштиришга хизмат қиладиган махсус дидактик воситалардан фойдаланиш ва шу асосда таълим олувчиларнинг қобилиятларини таъминлаш ва мунтазам ривожлантириш, бу жараёнда шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтидорлиликнинг намоён бўлиш шакллари: ёрқин иқтидорлилик ва яширин иқтидорлиликдан иборат. Ёрқин иқтидорлилик ўқувчилар фаолиятида аниқ намоён бўлади. Бундай иқтидор ноқулай шароитларда ҳам ўз мавжудлигини намоён этади. Яширин иқтидор ўқувчи фаолиятида қисман намоён бўлади. Бундай ҳолларда баъзан ўқитувчилар мазкур ўқувчиларда иқтидор мавжудлигини сезмай қоладилар ва уни ривожлантириш чораларини кўрмайдилар.

Ўқувчилардаги иқтидор кўпқиррали бўлиб, у фаолиятнинг турли кўринишларида намоён бўлиши мумкин. Умумий иқтидорлилик иқтидорнинг махсус турлари билан алоқадорликда ифодаланади. Ўқувчиларнинг ёш тараққиёти билан боғлиқ ҳолда унга хос таъдир эрта ва кеч намоён бўладиган иқтидорлар мавжуд.

Иқтидорни рўёбга чиқариш учун таълимнинг қуйидаги турт стратегиясини ажратиш кўрсатиш талаб этилади:

1. Жадаллаштирилган таълим. Бундай таълим шакллари сифатида ёш ва кишики оромгоҳлар, ижодий устахоналар, мастер-класс машғулотларни кўрсатиш мумкин. Бундай курслар иқтидорли ўқувчилар учун мўлжалланган жадаллаштирилган дастурлар асосида ташкил этилади. Дастурларни тузишда иқтидорлиликнинг турлари ҳисобга олинади.

2. Чуқурлаштирилган таълим. Таълимнинг мазкур стратегияси муайян соҳага қизиқувчи ўқувчиларнинг иқтидорларини қўллаб-қувватлаш учун алоҳида аҳамиятга эга. Бунга математика, она тили, физика, инглиз тили, тарих каби ўқув фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ва мактабларни киритиш мумкин. Бундай таълим муассасаларида ўқув жараёни фан асослари чуқурлаштирилган ўқув дастурлари ёрдамида ташкил этилади.

3. Бойитилган таълим мазмуни асосида ташкил этиладиган ўқув жараёни. Таълимнинг мазкур стратегияси анъанавий ўқув материалари доирасида бойитилган, кенгайтирилган мазмунга асосланган ўқув жараёнини ташкил этишни назарда тутди.

Бунда бошқа мавзулар, муаммолар ва ўқув предметлари билан чуқур алоқадорлик таъминланади.

4. Муаммолаштирилган таълим. Бу жараёнда табиий тушунтиришлар, мавжуд маълумотларни қайта кўриб чиқиш, янги фикрлар ёки муқобил умумлашмаларни излашдан иборат бўлди. Мазкур стратегия ўқувчиларда билимларнинг турли соҳаларига шахсий ёндашув ва таҳлилий лаёқатни шакллантиради.

Иктидорлилик муаммоси ва иктидорли болаларга таълим тарбия бериш ўқитувчидан қўшимча тарздаги яхшилаш ва ривожлантириш ишларини талаб қилади. Бундай ишлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши керак:

1. Таълим соҳаси муаммосига нисбатан паст даражадаги ўқув майллари намоён бўлади. Ўқитувчининг турли топшириқларини намоёйшкорона менсимаслик ҳоллари учрайди. Муайян ўқув предметларидан оддий билимларга эга бўлмаслик ва бошқаларидан муваффақият қозонишга эришиш кўзга ташланади.

2. Баъзи бир иктидорли болаларда тажовузкорона ва боғланишли ҳулқ-атвор кўринишлари намоён бўлади.

3. Шахслар ичидаги муаммолар. Иктидорли ўқувчи ўзининг иктидорлилигини эмас, балки бошқалардан фарқлилигини тушуниб етади. Ўқувчи ва унинг атрофидагиларнинг бу фарқни ҳис қилиши мураккаб характердаги шахсларо зиддиятларнинг вужудга келтирилиши мумкин.

Иктидорли ўқувчилар билан ишлаш ўқитувчиларда қуйидагиларни талаб қилади:

- умумий касбий-педагогик тайёргарликни. Ўқитувчилар ўз фанига оид, педагогик-психологик, умумметодик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари, мазкур билим, кўникма, малакалар ёрдамида ўқувчиларнинг иктидорларини рўёбга чиқаришлари ва шахсий эркинликларини намоён қилишларига имконият яратишлари лозим;

- ўқитувчиларнинг шахсий-касбий сифатларни эгаллашлари, билиш ва ички майлларнинг юқори даражасига эга бўлиш ўзларини мос тарзда баҳолашлари учун шароит яратади;

- ўқувчиларнинг интеллектуал фаолият кўрсатишлар жараёнида уларнинг иктидорлилик белгиларини сезиш, ўзларини ижодий жиҳатдан намоён қилиш, бадий моҳирлик кўрсатиш мулоқотга киришувчанлик, ҳаракатчанлик имкониятларини намоён қилишларига шароит яратади.

1.3. Чуқурлаштирилган таълимни ташкил этишнинг методий асослари

Умумий ўрта таълим жараёнининг иккинчи босқичига ўтишда чуқурлаштирилган таълим стандартлари асосида махсус ўқув режаларини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Махсус ўқув режасидан фойдаланиш фанларни чуқурлаштириб ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг турли даражадаги таълимий эҳтиёжларини ҳисобга олиш имконини беради. Мазкур жараёнда ўқувчиларнинг онла аъзолари, ота-оналари, истиқболда уларга иш бериувчилар, ўрта махсус таълим муассасаларининг эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга.

Чуқурлаштирилган таълим дастурлари бир қатор ўқув фанлари бўйича тузилиб, уларнинг мазмуни ўқувчиларнинг ҳар томонлама чуқур ўзлаштиришлари учун танланган ўқув мавзулари доирасида бўлади. Мазкур ўқув мавзулари умумий ўрта таълим мактабларидаги таълим мазмуни доирасидан танлаб олиниб чуқурлаштирилган ҳолда ўқувчиларга тақдим этилади. Фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларнинг ўқув дастурлари ўқув режаси асосида тузилади. Бунда фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган бир неча таълим муассасаларининг эҳтиёжлари ҳисобга олинади.

Чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар бўйича тузиладиган ўқув дастурларидан самарали фойдаланишнинг афзаллиги халқаро тажрибаларда кенг қўламда эътироф этилган. АҚШ, Англия, Корея каби кўплаб ривожланган давлатлардаги умумтаълим мактабларида фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфлар учун индивидуал ўқув режалари, яъни алоҳида фанлар бўйича чуқурлаштирилган дастурлар тузиш тажрибаси мавжуд. Бу дастурлар фан ўқитувчилари томонидан мустақил тарзда тузилади. Уларда чуқурлаштирилган ўқув фанини ўзлаштириш муддатлари ва усуллари баён этилган. Мазкур дастурларда ўқувчилар билимини оралиқ ҳамда якуний назорат қилиш тартиблари ҳам ўз ифодасини топган.

Чуқурлаштирилган таълимнинг методий асосларини қуйидагилар ташкил қилади: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».

Мазкур меъёрий ҳужжатларда куйидагилар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида «Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этиш мумкин¹», деб таъкидланган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да эса, «Иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъдодли ўсмир ва кизларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус фондлар ташкил этилди²». Шунингдек, «Ўзлуксиз таълим тизими ва турлари (Умумий ўрта таълим)» бандида «Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун «ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш³» зарурлиги ўқтирилган.

Юқоридагилардан шу нарса аён бўладики, ҳар бир таълим муассасаси ДТСлари доирасида ўқувчиларга муайян ўқув фанлари бўйича чуқурлаштирилган таълим бериш ҳукукига эга ДТС лари доирасида ўқувчиларга чуқурлаштирилган билим бериш таълим муассасасининг Низоми асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ўқувчиларнинг барча ҳуқуқлари ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар билан бир қаторда, ўқувчиларга мазкур фанлар бўйича мустақил тарзда чуқурлашган билим олиш имкониятини ҳам яратиш лозим.

Чуқурлаштирилган таълимнинг назарий асосларини яратиш долзарб муаммолардан бўлиб, чуқурлаштирилган таълим жараёнини ташкил этиш, чуқурлаштирилган таълим жараёни иштирокчиларининг билим даражаларига қўйиладиган талабларни аниқлаш, чуқурлаштирилган таълимнинг меъёрий асосларини такомиллаштириш, чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар бўйича таълим жараёнини ташкил этиш технологияларини ишлаб чиқиш зарур. Бунда:

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарк, 1997 й. 23-б.

² Ўша манба. 36-б.

³ Ўша манба. 47-б.

а) ўқувчиларнинг чуқурлаштирилган таълим олиш соҳасидаги мавжуд ҳуқуқларини ҳисобга олиш;

б) ўқувчилар учун чуқурлаштирилган таълим жараёнини ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш. Бунинг учун муайян фанлар бўйича жадаллаштирилган таълим беришга йўналтирилган ўқув курслари мазмунини танлаш;

в) чуқурлаштирилган таълим жараёнида ўқувчилар билимининг оралиқ ва якуний баҳолаш механизмларини яратиш;

г) чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар бўйича ўқувчиларнинг индивидуал таълим йўналишларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш, бойитиш тартибини аниқлаш қабилар муҳим аҳамият касб этади.

Чуқурлаштирилган таълимни ташкил этиш моделини аниқлаш долзарб масалалардан биридир. Чуқурлаштирилган таълимнинг турли моделларида ўқувчиларнинг индивидуал таълим олиш йўналишлари куйидаги тарзда ўз ифодасини топади:

1. Таълим муассасаси ичидаги ихтисослаштириш модели; умумий ўрта таълим муассасаларида фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфлар ташкил этилади. Бундай шароитда таълим муассасаси ихтисослашган синфларга эга бўлади. Шу билан бир қаторда, умумий ўрта таълим мактаблари муайян ихтисосликка йўналтирилмаган бўлиши ҳам мумкин. Бунда ўқувчиларга маълум аниқдорда ихтисослашган соатлар ва электив курслар таълим этилиши мумкин. Таълим муассасаси фанларни чуқурлаштириб ўқитиш бўйича ўз режасини амалиётга жорий этишда индивидуал ўқув режасига таяниши лозим.

2. Таълим муассасаларининг тармоқлараро биргаликда ҳаракатланиш модели; ихтисослашган таълимнинг мазкур модели муайян таълим муассасасида таҳсил оладиган ўқувчиларни мақсадга йўналтирилган ва ташкилий жиҳатдан таркиб топган жамоа этиш ҳамда таълим ресурсларидан фойдаланиш ҳисобида ташкил этилади. Бундай чуқурлаштирилган таълим икки вариантда ташкил этилиши мумкин.

Биринчи вариантда бир нечта таълим муассасаси алоҳида бир умумий ўрта таълим мактаби атрофига бирлашиши мумкин. Мазкур умумий ўрта таълим муассасаси чуқурлаштирилган таълим бериш бўйича старли ўқув материаллари, воситалар ва мутахассисларга эга бўлиши лозим. Шундагина у бошқа таълим

муассасалари учун ресурс маркази сифатида хизмат қила олади. Бундай жараёнда мазкур тизимдаги ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаси асосий ўқув предметлари бўйича тўлиқ тарзда ўқитиш ҳамда ихтисослашган таълимни ташкил этиш ва ўз имкониятлари доирасида амалга ошириш учун қулай шароит яратилади. Ихтисослашган жараёнларни тайёрлаш билан боғлиқ бошқа барча ҳаракатларни ресурс маркази ўз зиммасига олади.

Иккинчи вариант ихтисослашган таълим муассасасининг узлуксиз таълимнинг бошқа барча бўғинлари билан ҳамкорлиги бирлашувига асосланади. Бунда ихтисослаштирилган таълимни амалга ошириш учун қўшимча ресурслар жалб этилади. Бундай шароитда ўқувчиларга ихтисослашган таълим усуллари фақат ўзи ўқиётган таълим муассасасидагина эмас, балки ҳамкорликдаги барча таълим муассасаларида ҳам танлаш имконияти берилади. Масалан, касб-хунар коллежларида, академ лицейларда ва бошқалар.

Ихтисослашган таълимнинг муайян моделини танлаш умумий ўрта таълим муассасалари ва унинг ҳамкорларид мавжуд бўлган ресурсларга бевосита боғлиқдир. Уйғунлашган моделларни амалга ошириш имконияти ўқувчилар ўзларининг индивидуал ўқув режаларини бирор-бир умумий ўрта таълим муассасасида амалга оширганда рўёбга чиқади. Ўқувчиларнинг бошқа бир гуруҳи эса тармоқнинг таълимий имкониятларида фойдаланадилар.

Тармоқдаги ҳамкорлик доирасида индивидуал ўқув режасини вужудга келтириш ва тартибга солиш механизмлари ўқувчиларнинг шахсий кизиқишлари ва индивидуал таълим олиш ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак. Юқорида таъкидланган вариантларни танлашнинг ташкилий ишланмалари ўқувчиларнинг саломатлиги ва муҳофазаси доирасида амалга оширилиши керак.

Ихтисослашган таълимни ташкил этиш тамойиллари индивидуал ўқув режасини танлаш асосида белгиланади. Таълим жараёнини индивидуал ўқув режа асосида ташкил этиш умумий ўрта таълим муассасаси ўқув режасини тузиш тамойилларининг ўзгаришига ҳам асос бўлади. Бу ўз навбатида машғулотлар жадвалини тузишга ҳам таъсир кўрсатади. Бунинг учун, биринч навбатда, ўқув предметлари ва курсларининг умумий йиғинди

сини аниқлаш лозим. Шундан кейингина ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ўқув режасини шакллантириш, шунингдек, фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган таълим муассасаси учун ўқув режаси ва машғулотлар жадвалини аниқлаш мумкин бўлади.

Индивидуал ўқув режаси асосида ишлайдиган умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга барча ўқув предметларини ўргатиш амалиёти ўзгаради. 5-9-синф ўқувчиларига ўргатиладиган ўқув материалларининг йиғиндисини уларни гуруҳлар ва синфлар бўйича таксимлашга асос бўлиб хизмат қилади. Индивидуал ўқув режасини барча фанлар бўйича чуқурлаштирилган ўқув дастурлари мазмунига сингдириш лозим.

Чуқурлаштирилган фанлар бўйича ўқув дастурларини тузиш қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

I босқич. Ўқувчиларга тақдим этиладиган чуқурлаштирилган ўқув фанлари ва ўқув курсларининг рўйхатини шакллантириш. Мазкур босқич умумий ўрта таълим муассасасининг чуқурлаштирилган фанлар бўйича ўқув режасини тузишдан бошланади. Бу режа ўзида ўқув предметларининг йиғиндисини муассасимлаштиради. Қайсиким, мазкур ўқув муассасаси ушбу ўқув фанларини ўқувчилар танловига ҳавола қилади.

Ўқув режаси асосида чуқурлаштирилган ўқув фанлари аниқланади. Бу рўйхат чуқурлаштирилган ўқув предметларини тўқдиради. Улар ўқувчиларга танлов учун тақдим қилинади. Эфектив курсларининг рўйхати ва мазмунини умумий ўрта таълим муассасасининг ўзи аниқлайди.

II босқич. Индивидуал ўқув режасининг тузилишини умумий ўрта таълим муассасасининг ўқув режаси ва дарс жадвали асосида амалга оширилади. Ўқувчилар ўзлари чуқур ўрганишни хоҳлайдиган ўқув фанларини танлайдилар. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади:

- агар, «Математика», «Она тили», «Ўзбек адабиёти», «Чет тили», «Тарих» каби ўқув фанларининг бирортаси чуқурлаштирилиб ўқитилса мазкур ўқув фани таянч ўқув режаси доирасида ўқитилмайди;

- агар, таянч ёки чуқурлаштирилган ўқув режаси доирасида таълимий фанлар туркумига кирадиган учта ўқув предмети ўқитилса, унда «Табиатшунослик» фани таянч ўқув режаси доирасида ўқитилмайди;

- агар, «Жамиятшунослик» ўқув фани таянч даражада жамиятшунослик моделини ўзида мужассамлаштирсан, мазкур ўқув предмети таркибида бўлгани каби, муваққил ўқув фани сифатида ҳам ўқувчиларга тақдим этилади. Чуқурлаштирилган даражада жамиятшунослик ва ҳуқуқ муваққил ўқув предмети сифатида турли бирикмалар доирасида ўрганилади. Агар, «Жамиятшунослик» фанига ижтимоий-иқтисодий туркум доирасига кирадиган ўқув предметларидан бири сифатида қаралсан, мазкур фаннинг интеграллашган курси таянч даражада ўрганилмайди.

Таълим олувчиларга ўқув фанлари ва курсларини танлаш имконияти берилган, ўқув соатлари ҳажмини ҳисобга олган ҳолда улар учун индивидуал ўқув режалари тузилади. Агар мазкур режа ўқув юқламаси ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш талаб қилинсан, таянч ўқув режаси ҳамда санитар-гигиеник талаблар ҳисобга олинган керак. Ўқувчилар индивидуал ўқув режаларини тузиш ҳақидаги маълумотларни илмий жиҳатдан оидинлаштириш ниятда зарур. Хусусан 5-9-синфлар таълими жараёнида уларни ўзгартириш имкониятлари ва қоидаларини илмий жиҳатдан асослан зарур. Шунингдек, ўрганилган ўқув курси ҳақидаги маълумотларни жамлаш шакллари ҳам ўқитувчиларга тақдим этиш лозим.

Индивидуал ўқув режаларини тузишда қуйидаги ҳолат алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари шунини тушуниб етишлари керакки, ўқувчилар учун танлов вазияти мавжуд бўлиб, муайян шароитларни амал оширган ҳолда ўқув предметлари тўпلامини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун ўқувчилар оралиқ назорат жараёнида муайян баҳога бўлишлари керак. Шундан кейингина умумтаълим муассасасининг ўқув жадвалини тузиш мумкин.

III босқич. Индивидуал ўқув режасини ҳисобга олган ҳолда дарс жадвалини тузиш; бунда чуқурлаштирилган ўқув материаллари ҳажмини ўқувчиларнинг қизиқиш ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танлаш лозим. Бу эса ўқувчилар индивидуал ўқув режа асосида чуқурлаштирилган билим олиш имконини беради.

Ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчиларнинг индивидуал ўқув режалари асосида умумлаштирилган жадвал ишлаб чиқишлари лозим. Она тили, ўзбек адабиёти ва математика ўқув фанлари бўйича ўқув гуруҳларини параллел тарзда

тузиш имконияти мавжуд. Ўзбекистон тарихини фақат таянч даражадагина ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса иккита гуруҳни шакллантиришнинг аниқлади. Ҳисоблаш техникаси асослари машғулотида синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлинмади. Бунда бир гуруҳ таянч даражада, иккинчи гуруҳ чуқурлаштирилган даражада таълим олиш имкониятига эга бўлади.

Чет тилини ўқитишда ҳам шундай ёндашувга амал қилиш мумкин. Чет тили дарсларида ўқувчиларни 4тагача гуруҳларга бўлиш мумкин. Энг мураккаб ҳолатни физика ўқитиш жараёнида қаратиш мумкин. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб физикадан чуқурлаштирилган билим бериш учун лаборатория жиҳозлари ниятда мавжуд.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг тармоқлараро ҳамкорлиги доирасида чуқурлаштирилган таълимнинг бир қатор соҳаларини мақсаддан ташқари таълим муассасаларига кўчириш мумкин. Жумладан, фан тўғараклари бунга мисол бўла олади. Масалан, «Ёш табиатшунослар», «Ёш дизайнерлар», «Ёш мушакчилар», «Ёш техниклар» тўғараклари қабилар.

Индивидуал ўқув режаларини тузиш ва умумий ўрта таълим муассасалари дарс жадвалларини такомиллаштиришда компьютер дастурлари ва биргаликда ҳаракатланиш тажрибаси мумкин аҳамиятга эга.

Фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган таълим муассасаларининг илмий-методик жиҳатдан таъминлаш – чуқурлаштирилган таълим назарияси ва амалиётини ривожлантиришнинг мумкин таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам индивидуал ўқув режаларини тузиш фаолияти чуқурлаштирилган таълимни ташкил этишнинг асосий шартидир.

Мавжуд ҳалқаро тажрибалар шунини кўрсатадики, олий ўқув ортларида фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларнинг ўқувчилари учун индивидуал ўқув режаларини тузиш тажрибаси мавжуд. Шу муносабат билан фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфлар учун индивидуал ўқув режаларини тузиш ва амалиётда қўллаш тажрибасини қилиш мумкин аҳамиятга эга. Шунинг учун индивидуал ўқув режалари банкни вужудга келтириш, бу соҳадаги тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш ниятда зарур.

Биз чуқурлаштирилган таълимни ташкил этишнинг амалиётдаги ҳолатини аниқлаш мақсадида қуйидаги анкета саволлар билан чуқурлаштирилган синфларнинг ўқитувчилари ва мактаб раҳбарларига мурожаат қилдик:

1. Фанларни чуқурлаштириб ўқитиш қандай афзалликларга эга?

2. Ўз фанингизни чуқурлаштириб ўқитишда қайси дидактик асосларга таянасиз?

3. Ўқувчиларга чуқурлаштирилган билим бериш жараёнида қайси технологиялардан фойдаланасиз?

4. Чуқурлаштирилган ўқув дастурлари амалдаги ўқув дастурларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

5. Ўз фанингизни чуқурлаштириб ўқитиш жараёнида нималарга кўпроқ эътибор қаратасиз?

6. Чуқурлаштирилган синфларга ўқувчиларни танла олишда қайси тамойилларга амал қиласиз?

7. Ўқувчилар учун индивидуал ўқув режаларини тузишд нималарга эътибор қаратасиз?

1.4. Чуқурлаштирилган таълим жараёнининг дидактик хусусиятлари ва уни ташкил этиш имкониятлари

Чуқурлаштирилган таълим ўқувчиларни ақлий ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ушбу ўринда қандай таълим мазмуни вужудга келтирилганда ўқувчилар ақлий жиҳатдан самарали ривожланиш имкониятига эга бўладилар деган ҳақли савол туғилади. Бу масала мустақиллик йилларида мутахассислар эътиборини кўпроқ жалб эта бошлади. Педагоглар чуқурлаштирилган таълим жараёнида ўқувчиларда фаол мустақил ижодий тафаккур, билишга интилиш, ўрганилаётган ўқув материалларига нисбатан танқидий муносабат, билимларни мустақил эгаллаш кўникмаси, зарурий ҳаётий вазиятларда уларни амалий қўллай олиш, ўқитувчиларни эса мазкур жараёнида ҳам томонлама тадқиқ этишга одатлантириш зарурлигини таъкидлайдилар.

Ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш дидактикани марказий масаласига айланиши керак. Бу кўп йиллик амалий кузатишлар натижасидир. Чунки шахснинг ривожланиши билан

унинг таълим олиши орасида табиий муносабатлар ва алоқадорликлар мавжуд. Мустақиллик йилларида мазкур муаммони тадқиқ этишга ўзбек педагоглари алоҳида қизиқиш билан ёндаша бошладилар.

Сўнгги йилларда таълим жараёнида ўқувчиларни ақлий жиҳатдан жадал ривожлантириш соҳасида бир қатор ёндашувлар юз берди. Ўқувчиларни ақлий ривожлантиришга йўналтирилган чуқурлаштирилган таълим жараёни қуйидаги принциплар асосида ташкил этилиши лозим:

а) ўқув жараёнини юқори даражадаги мураккаблик асосида ташкил этиш, бунда ўқув материаллари мураккаблик даражасининг аниқ фойдаланишига амал қилиш;

б) ўқув материалларини жадал тарзда ўзлаштириш, бунда муайян чегарани белгиллаб қўйиш;

в) таълимнинг дастлабки босқичида назарий билимларнинг таъкид ўрин эгаллишига эътибор қаратиш;

г) ўқувчиларнинг ўқув жараёни моҳиятини англашларига эришиш кабилар.

Ўқувчиларнинг ақлий тараққиёти, биринчи навбатда, билим, кўникма ва маҳоратларни ўзлаштириш жараёнида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам уларнинг ақлий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиладиган чуқурлаштирилган таълим мазмунини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Чуқурлаштирилган ўқув жараёнида таълим мақсадга мувофиқ келадиган ўқув материалларини ақлий этиш орқали ўқувчиларни билим олишга рағбатлантирилади. Бунинг натижасида улар ўқув жараёнидан қониқиш ҳосил қиладилар. Улар мураккаб топшириқлар, ақлий иш турларини алоҳида интибик билан бажаришга киришадилар, ҳар доим интибикларини билишга интиладилар. Шахсга йўналтирилган таълим жараёни учун ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш манбаларини танлаш ва ушбу манбалардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай вазиятда ўқувчиларда юқори даражадаги маҳкумлаштириш, умумлаштириш кўникмалари шаклланади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар тафаккурининг турли жиҳатларини ривожлантириш ҳам уларни интеллектуал ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар эришган ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган таълим жараёнидаги уларнинг ақлий билиш фаолиятини

фаоллаштириш имконияти вужудга келади. Ўқув жараёнида ўқувчилар эришган ривожланиш даражасини ҳисобга олиш билан бир қаторда уларнинг ақлий тараққиётини таъминлаш ҳам талаб этилади. Бунда улар ақл-идрокининг сифатини таъминловчи кен қўламли ўқув вазибаларини ечишга ўқувчиларни ундаш лозим. Шу тариқа ўқувчиларнинг ўқув майллари такомиллаштирилади. Улар янада чуқурроқ билимларни ўзлаштиришга интилади. Ўқувчиларни ақлий ривожлантириш учун билимлар захирасини ҳосил қилиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Бундай билимлар захираси ўзининг мураккаб тизими ва шаклланиш жараёнига эга. Ўқувчиларни ақлий ривожлантириш учун бунинг ўзигина етарли эмас. Ўқувчиларни тўлақонли тарзда ақлий ривожлантириш учун фикрлаш операцияларини эгаллашлари алоҳида аҳамият касб этади. Худди мана шундай фикрлаш усуллари ёрдамида билимларни ўзлаштириш ва улардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш тажрибаси ҳосил бўлади.

Ўқувчиларни ақлий жиҳатдан ривожлантиришнинг харақтерли жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- а) билимларни ўзлаштириш маромининг жадаллиги;
- б) фикрлаш жараёнларининг ўзгарувчанлиги;
- в) тафаккурнинг кўргазмали ва мавҳум жиҳатлари орасидаги алоқадорлик;
- г) таҳлил қилиш ва умумлаштириш фаолиятининг даражаас кабилар.

Педагогик-психологик ёндашувларга таянган ҳолда дидактикада ўқувчиларнинг ақлий ривожланишларини таъминловчи манбаларни очишга бўлган интилишларнинг қўлами кенгаймоқда. Бу имкониятлар шахсга йўналтирилган таълим жараёнининг асосини ташкил этиши лозим. Бу соҳада иккита муҳим ёндашув мажуд:

1. Ақлнинг тараққиёти унинг табиий харақтерга эгаллиги ва янгиликларни излашга мойиллигини тан олиш зарурлиги.

2. Ўқув жараёнининг тўғри ташкил этилиши ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини таъминлаш омили эканлиги билан белгиланади.

Ўқув жараёни иккита ўзаро қарама-қарши тенденцияни мавжудлиги билан фарқланади: мақсадга йўналтирилганлик қатъий кетма-кетлик асосида – бир томондан узлуксиз тарзда ўқувчиларни фаолликка ундаш, синф жамоаси ва ҳар би

Билишнинг ўзаро боннда ўқувчилар билан ижодий фаолият кўриши учун қулай муҳитни вужудга келтириш. Ўқув жараёнидаги билиш алоқадорлик ривожланишидаги ўзаро уйғунлик ва таъминотни таъминлаш имконини беради. Худди мана шундай боннда ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ва мустақиллигини келтириш учун қулай вазият вужудга келади. Бунинг натижасида эса уларнинг интеллектуал ривожланиши таъминланади.

Ўқувчиларнинг билиш мустақилликлари ва ақлий ривожланишлари турли жиҳатдан намоён бўлади:

а) ўқувчиларнинг ўқув, назарий ва амалий моҳиятга эга билиш вазифаларининг қўя олишлари;

б) инсон, самарали усуллар ёрдамида билиш топшириқ-ларини сифатли ечишлари;

в) фикрий жараёнлар ва ижодий изланишлар давомида ишчи қарорлар қабул қилишлари;

г) қўйилган вазифаларни ечишга йўналтирилган ҳаракат-ларнинг мустақил тарзда намоён бўлишига эришишлари;

д) қабул қилинган ечимларнинг тўғрилигини текшириш, уни учун объектив қимматли усулни топиш кўникмасига эга бўлишлари кабилар.

Ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ва мустақиллигини ривожлантириш ҳақида қайғуриш уларни баркамол инсон сифатида қўллашнинг барча босқичларида алоҳида долзарблик касб қилади. Ўқувчиларнинг билиш мустақиллигини шакллантиришга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш ўзига хос аҳамият касб қилмоқда. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш масаласи уларнинг фан асосларини ўзлаштиришлари ва уни қулай қўллашлари фаоллаштиришга қаратилиши лозим.

Бугунги кунга келиб масалалар ва ўқув топшириқларини амалга оширишга эришиш масаласи ҳам алоҳида долзарблик касб қилади. Ўқув жараёнида билиш вазифаларининг муҳим ўрин-ларини дидактик жиҳатдан аниқлаш лозим. Ўқув курси асосидаги муҳим мавзуларни ўрганишда муаммоли вазиятларни вужудга келтириш талаб этилади. Шу нарса аниқки, билиш вазифаларининг ечилишнинг ўзига хос аҳамияти ўқувчиларда мустақил излаш, шарт-шароитларни таҳлил қилиш йўли-ни уларда мавжуд бўлган билимларни сафарбар этиш имконини беради. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга топшириқларни ечиш-ларининг тайёр ҳолда тақдим этмаслиги керак. Бу усулларни улар

мустақил тарзда излашларини талаб қилиш лозим. Билиш топшириқлари ўқувчиларни фаолликка ундаши учун уларнинг тажрибасига асосланган ҳолда танланиши, ўқув предметларнинг мазмунини ўзлаштиришда янги босқич бўлиши, ўзлаштирилган қонуниятлар, тушунчалар, фаолият усуллари, йўлларини қўллаш асос бўлиши талаб этилади. Шу нарса аёнки, билиш топшириқлари ўқув жараёнида муайян кетма-кетликда тақдим этилади.

Ўқув жараёни мантиқини аниқлаш тасодифий ҳолатлардан боғлиқ бўлмаслиги лозим. Мазкур шароитларда билиш топшириқлари ўқувчилар уни чуқур идрок этганлари тақдирда уларни унинг ечими учун фаол ақлий операцияларни бажаришга ўзлаштирган назарий билимларни амалда қўллашга ундайдилар. Юқорида таъкидланганлар ўқувчиларнинг ақлий ишларини инкор қилмайди. Ўқувчилар билиш вазифаларини бажаришлари ва уларнинг ечимига олиб борадиган ишончли йўлларни излашлари учун муайян фаразларни илгари сурадилар.

Ўқувчиларнинг нафакат билимларни ўзлаштириш, балки кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнлари ҳам фаол характер касб этиши керак. Машқларни бажариш жараёнида ўқувчиларнинг фаолликлари мутахассислар томонидан аллақачон таъмин олинган. Шу нарса аёнки, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёнининг тўғри ташкил этилиши ўқувчиларнинг ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатишларига шароит яратади. Бундан эса ўқувчиларда ижодий фаолиятнинг самарали ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Бу, биринчи навбатда, ижод характерга эга бўлган мустақил ишлар жараёнида шаклланади. Шунга кўра, машқлар ва ўқувчиларнинг мустақил ишлар орасида ўзаро мустаҳкам алоқадорлик вужудга келади.

Бу алоқадорлик икки ёқлама характер касб этади:

1. Машқларни бажариш ўқувчиларнинг мустақил фикрларлари ва ҳаракатларини талаб қилади. Мазкур ҳаракатлар ўқувчиларнинг ижодий изланишларига мўлжалланган бўлади.

2. Машқлар машқлантирувчи, кўчирувчи характер касб этиши ўзида мустақил фаолият элементларини мужассамлаштиради.

Янгича дидактик ёндашувлар мазкур машқлар характерида хатто ўз ифодасини топиши лозим. Машқлар таркибига ўқувчилар томонидан тузилган машқларни ҳам киритиш мумкин. Бундан топшириқлар ўзлаштирилган билимлар, шарҳлар, жадваллардан фойдаланиш, муайян ҳодисаларни машқларга айлантиришни назар

бу тарғибга мисоллар, топшириқлар, ўқувчилар томонидан мустақил машқларни ҳам киритиш мумкин. Бундай ҳаётийлик катта аҳамиятга эгалиги синфда ижодий изланиш билан ҳаммавий меҳнат муҳитини вужудга келтиришдан бу жараёнда синфдаги барча ўқувчилар истикболдаги амалий машқларнинг моҳиятини англайдилар ва ўзларини ижодий изланишга йўналтирадилар.

Бунинг барчаси чуқурлаштирилган таълим назариясини ҳамда ўқувчиларнинг ижодий-амалий фаолиятларини ривожлантиришга асос бўлади. Чуқурлаштирилган таълим жараёни фаол характер касб этиб, турли даражадаги ўқувчилар билан бойитилади. Бунинг натижасида ўқувчилар билан ўқув материали устида мустақил ишлаш, янги нарсани талаб қиладиган билиш топшириқларини жадал таълим билан ўзлаштирадилар.

бу жараёни характерининг ўзгариши таълим натижасига таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш-шаклланишнинг асосий йўналиши замонавий билим билан ўзлаштириш ва амалда қўллаш методларини ҳамда улар онгига миллий ғояни сингдириш орқали онг, инстинкторлари, қобилиятлари ва лаёқатларини ҳар қандай ривожлантиришдан иборат.

Ўқувчиларнинг билиш фаолликларини ривожлантириш билан барча қисмларида амалга оширилади. Бунинг билан барча оддий оптимал характердаги ўқув топшириқ-ларини, илмий билимларни тизимли тарзда чуқур ўзлаш-тириш билан топшириқлар, муаммолар, саволларни ривожлантириш билан. Билишнинг барча соҳаларида билимларни ривожлантириш билан ҳамда билвосита характер касб этади. Бунинг билан билвосита ўзлаштириш таълим жараёнида амалга келтирилади. Уларни ўзлаштириш ва таҳлил қилиш натижасида оддий маънавий тафаккур ривожланади. Бунинг учун билиш инстинкторлари ва сезгиларини ривожлантириш ҳам аҳамият касб этади. Шунга кўра, ўқувчиларга табиий ва асосланган истеъдод билимларни ўзлаштиришга қўлланган кенг қўламли фаолият маҳсули эканлигини билдириш билан. Чунки билимлар сезгиларнинг асоси ва натижасида намоён бўлади. Ҳар қандай сезги ўзининг чуқур асосланганини таъкидлаш қиладди.

Глобал ривожланиш жараёнида ижтимоий фаолият учун зарур бўлган билимларни ўзлаштириш ва амалда қўллаш инсондан алоҳида лаёқатларга эга бўлишни талаб қилади. Бунинг учун шахс бир вақтнинг ўзида турли режалар устида мантиқий фикр юритиши, ўз хотирасида катта қўламдаги ахборотларни сақлаб, таҳлил қила олиши лозим. Айни бир муаммоларнинг турли ечимларини киёслаш жараёнида муайян масалалар ўзининг табиий ечимини топади.

Ўқувчиларнинг лаёқатларини шакллантириш, фикрлаш ва унга мос тарзда ҳаракат қилиш муаммоли ўқув жараёнларида амалга ошади. Мураккаб ҳамда муҳим масалаларнинг ечимини ижодий ёндашув ва интеллектуал қувватларни сафарбар этишнинг тақозо этади. Муаммоли вазиятлардан чиқиш шундай топшириқларни ечишнинг ишончли йўли илмий билимларга таяниш асосида ўқувчиларни ақлий ривожлантириш сари қўйиладиган муҳим кадам ҳисобланади.

Бугунги кунда таълим жараёнининг асосий вазифаси ўқувчиларга таълим бериш, уларни зарур билимлар билан қуроллантириш, воқеа ва ҳодисаларга диалектик алоқадорлик асосида ёндашишга ўргатиш, мавжуд билимлари ва амали тажрибаларини ҳаётга дид ва назокат билан татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятлари жараёнида билим ва тафаккурнинг ўзаро муносабатини аниқлаш ниҳоятда зарур. Чунки ҳар қандай билиш жараёнларида билим ва тафаккур ўзаро мустаҳкам алоқадорликка эга.

1.5. Чуқурлаштирилган таълим мазмунини модернизациялаш параметрлари

Таълимни инсонпарварлаштириш ва ахборотлаштириш билан боғлиқ муҳим вазифанинг ечими ўқувчиларда мулоқотга қирқилишга оид билимдонликни ривожлантиришга йўналтирилиши лозим.

Бугунги кунга келиб, ўқувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимдонлиги ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириш кучли эҳтиёж туғилмоқда. Бу, ўз навбатида, таълим мазмунини лойиҳалашга бўлган ёндашувни ҳам ўзгартиришни талаб қилади. Мазкур муаммони ечиш учун ҳозирги замон кишининг

қўникмаларини аниқ ҳисобга олиш лозим. Чунки эскириб қолган билимлар билан диндорлик ва жамият эҳтиёжларини қондиришга имконият етказилган таълим жараёнини ташкил этиш мумкин эмас.

Бунининг навбатда, тақдим этиладиган таълим мазмунининг ҳиссий моҳияти ва мақсадини аниқлаш керак. Ўқув материаллари ва таълим мазмунининг минимал ҳамда максимал даражаларини белгилаш таълим мазмунини модернизациялашнинг концептуал асосларига таъинланади. Ўқувчиларга тақдим этиладиган билимларнинг турли ўқув фанларини интеграциялаш асосида уйғунлаштириш уларга ўзбек халқининг қадриятларини эгаллашга йўналтирилган билимлар ва ахборотларни сингдириш ҳиссий асосида ижодий фаолият тажрибасига асосланиш ниҳоятда зарур. Таълим мазмунининг ушбу элементларини барча ўқув-предметлари мазмунига сингдириш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларда қўникмаларни ўзлаштириш, уларнинг мазмунини идрок этиш, яъни кўникмаларини шакллантириш назарда тутилади. Таълим мазмунини билимларни қисқартириш эмас, балки уларни интеграциялаш ва унификациялаш йўлидан бориш лозим.

Билимларни таълим мазмунидан сунъий тарзда ажратиш мумкин эмас. Таълим мазмунини ўқувчиларнинг ҳиссий-ақлий, ижодий ва бошқа фаолият турларини шакллантириш назарда тутилади. Таълим мазмунини билимларни бошқа билимларни қисқартириш ҳисобига қисқартирмаслик лозим. Таълим этиланган билимларнинг шакли ва моҳиятини ўзгартирган ҳолда уларни уйғунлаштириб таълим мазмунига сингдириш талаб этилади. Билимлар ўқувчилардан тушунчалар йиғиндиси сифатида тортиб олинмаслиги керак. Атамалар ва турли мавзулар асосида таълим мазмунининг минимал даражалари тақдим этилади. Билимлар ўқувчилар томонидан амалга ошириладиган фаолият натижаси сифатида намоён бўлади.

Таълимнинг аниқ мазмуни бевосита ўқув-билув жараёнида ҳаққон қилади. Шунга кўра, таълим мазмуни қуйидаги икки қисмга таъин бўлади: а) ташқи кўриниш – бунда ўқувчиларнинг ўқув фаолияти учун тақдим этиладиган воситалар намоён бўлади; б) ички кўриниш – бунда таълим мазмуни улардан ҳар бирининг ўқув фаолияти натижаси сифатида намоён бўлади.

Ўқув-билув жараёнида таълим мазмунининг айнан ички қисми амал қилади. Унда билимлар лойиҳалаштирилади, шакллантириладиган кўникма ва малакалар ажратилади, ўзлашти-

риладиган фаолият усуллари аниқланади, ривожлантирилиши лозим бўлган мавжуд қувватлар ва лаёқатлар таҳлил этилади. Шу асосан ўқув фанларининг ташки мазмуни ишлаб чиқилади. Ўқувчиларнинг муайян ўқув фанлари мазмунини ўзлаштиришлари уларда нафақа муайян ўқув предметиға оид тор доирадаги билимлар, бал умумий билимлар, кўникмалар, лаёқатлар ҳамда билимдонликнинг таркиб топишиға имкон беради. Предметлараро таълим мазмуни белгилашнинг асосий омиллари дидактикада етарлича ишлатилмаган. Шунинг учун ҳам, ҳар бир ўқув предмети бўйи алоҳида-алоҳида таълим бериш методикаси мавжуд.

Ўқувчиларға ҳиссий-кадриятли, ижодий фаолият кўрсати ҳукукини бериш учун таълим мазмунининг минимал даражада ташки мазмунини модернизациялаш талаб этилмоқда. Мазкур мазмун асосида ўқитувчилар ўқувчилар кўрсатиши зарур бўлган фаолият турларининг йўллари ва усулларини белгилаш имкониятиға эга бўладилар. Таълим мазмунининг минимал даражада ўқувчи киришиши лозим бўлган фаолият тури аниқ намо бўлиши керак. Ўрганилиши назарда тутилган ҳодисалар назарий маълумотларға нисбатан ўқувчиларда кизиқиш эҳтиёжларни вужудға келтириш муҳим аҳамиятға эга. Таълим мазмунининг фаолиятли ёндашув асосида танланадиган қисмлар ҳақида фикр юритилганда, амалдаги ўқув дастурларида бу ҳол етарлича ўз ифодасини топмаганлиғиға ишонч ҳосил қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг фаолияти муайян шакллар, методлар, таълим технологиялари ёрдамида таркиб топтиради. Шунинг учун ҳам, мазкур таълим шакллари, методлари, технологиялар таълим мазмунида аксини топиши лозим. Бунда таълим шакллари, методлар технологияларининг ўзини эмас, балки ўқувчи фаолияти айланган шакллари таълим мазмунида акс эттиради.

Шахсға йўналтирилган таълим жараёни махсулдорлигини таъминлаш учун, ўқув фаолиятини ҳаракатлантирувчи механизмларини ҳам таълим мазмунида акс эттириш талаб қилинади. Тўғри қилиб айтиш мумкин, ҳар ички омилларнинг эътиборға олиш талаб этилади. 1. Ташки омиллар қуйидагилардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан маъқулланган таълим соҳасини модернизация қилиш стратегияси мактаб-бошқа даражалари ҳам изчил тарзда ифодаланиши лозим.

Таълим мазмуни фақатгина тушунчалар йиғиндисидан иборат бўлмаслиғи, ўзида ўқувчини ижодкорлик, кўп фаолиятлиликка ундовчи қисмларни ҳам мужассамлаштириши лозим. Таълим мазмунини модернизациялашда авваламбор дидактик асосларға таяниш талаб этилади.

Дидактик асосларға таянган ҳолда таълим мазмунини шакллантириш, бунда ижтимоий тараққиёт мезонларини ҳисобға олиш зарур ҳолда асосий шакллантиришнинг муҳим шартидир.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимға мослаштирилган ёндашувни жорий этиш» алоҳида банд сифатида кўрсатиб ўтилган. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларға нисбатан индивидуал ёндашув асосида таълим беришни тақозо қилади.

Маънавий бой, жисмонан соғлом, эркин ва ижодий фикр қилиш имконияти, ўзини ўзи намоён қила оладиган ва ўзини ўзи камол қилиш имконияти қадир шахсни тарбиялаш учун бир қатор қулай шарт шартларни яратиш лозим. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш қутилган натижани амалға оширишда асосий аҳамиятға эга:

– ҳар бир ўқувчининг имкониятлари, қобилиятлари ва қиёсқилишларини аниқлаш, ўрганиш ва ривожлантириш;

– ўқитиш мазмуни, усуллари, шакл ва технологияларининг ўқувчиларнинг аклий (интеллектуал) ва шахсий ривожланишиға мослаштириш;

– ўқитиш мазмуни, усуллари, шакл ва технологияларининг ўқувчиларнинг ўз ўрнини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи камол қилиш имконияти бўлган қобилиятининг шаклланишиға таъсирини таъминлаш;

– ўқувчиларда воқеликка ижодий муносабатни ривожлантириш шакллари, усуллари ва воситаларини аниқлаш;

– ўқувчиларда шахсий ва касбий ўз ўрнини ўзи белгилаш имконияти ҳал этишға йўналтириш механизмларини ишлаб чиқиш қобилиятлари.

Алоҳида фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганишда ҳам ташки, ҳам ички омилларнинг эътиборға олиш талаб этилади.

1. Ташки омиллар қуйидагилардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан маъқулланган таълим соҳасини модернизация қилиш стратегияси мактаб-

нинг умумтаълим мақсадларини амалга оширишда янги таълим йўналишларини белгилаб беради. Таълим соҳасини модернизация қилиш жараёнида умумий ўрта таълим олдига ҳам қуйидаги янги талаблар қўйилмоқда:

- бошланғич синфларда олинган умумий таълимни қисман тугатиш ва танланган фанни чуқурроқ ўрганишни бошлаш;

- мактабнинг 5-9 синфларида ўқувчилар томонидан индивидуал ихтисослашган, яъни чуқурроқ ўрганиладиган фанни танлаш имкониятининг мавжудлиги кабилар.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун хос бўлган таълим жараёнини ташкил қилишнинг ҳозирги кунда мавжуд бўлган анъанавий моделлари умумий таълимнинг турли босқичларини модернизация қилишни талаб этади, зеро таълим мазмуни янги тажрибага эга бўлишни тақозо қилмоқда.

Таълим парадигмасини анъанавийдан шахсга йўналтирилган турга ўзгартирилиши, таълимнинг давлат стандартларига мувофиқ равишда ўқув жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчининг ўқувчиларга чуқурлаштирилган таълим бериш технологиясини ўзлаштириши, яъни унинг ўз фанини чуқур биладиган, янги педагогик инновацияларни таълим жараёнига қўллай оладиган, психологик жараёнларда осон ечим топишга қодир ва ниҳоят фанни ўқитишнинг турли услубларини қўллай оладиган мутахассис сифатида намоён бўлиши талаб этилади.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим тизими олдида турган муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқувчиларнинг саломатликлари ва руҳий ҳолатларининг етарли даражада барқарор эмаслиги;

- ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва интеллектуал даражаларини ҳисобга олишга аксарият ҳолда эътибор қаратилмаётганлиги;

- дарс жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан самарали ишчан мулоқот ва ҳамкорлик муҳитини вужудга келтира олмаётганлиги;

- таълим жараёнининг чуқурлаштирилган ижодий фаолиятни кенгайтиришга йўналтирилмаганлиги;

- ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларни ижтимоийлаштириш ва индивидуал таълим траекторияларини танлашлари етарлича шароит яратилмаганлиги;

Ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини мустақил ташкил этиш, бунда мустақил фаолият кўрсатиш учун зарур шароитларни яратишнинг кучлилиги кабилар.

Ижодидагилар асосида қуйидагиларни амалга ошириш натижада долзарблашмоқда:

- ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, иқтидорларини амалга ошириш ва педагогик қўллаб-қувватлаш асосида чуқурлаштирилган таълим жараёнини ташкил этиш ва мунтазам такомиллаштириш;

- ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим этиладиган мустақил, ижодий фаолият кўрсатишларини амалга ошириш. Бундай мустақил ижодий фаолият турларига мундоқот, баҳе-мунозара кабиларни кўрсатиш мумкин;

- ўқувчиларнинг иқтидорларини рўёбга чиқариш учун амалга ошириладиган чуқурлаштирилган таълим бериш имкониятларини амалга ошириш; ёш оромгоҳларда таълим бериш орқали иқтидорларини интеллектуал ривожлантириш, фан тўғараклари ва таълим мусобақаларига жалб этиш, ўзлари кизикқан ижодий фаолият турлари билан шуғулланишларига шароит яратиш, таълим, турли студияларга жалб этиш, мастер-класслар олиш ва ҳ.к.;

- мактаб ичида болалар ва жамоат ташкилотлари, оқимлар ўзини ўзи бошқариш бирлашмаларининг вужудга келиши шарт-шароитлари ва механизмларини яратиш;

- таълимий-ижтимоий таъсирлар, зарарли одатлар ҳамда ҳуқуқбузишнинг йоманқабул кўринишларига нисбатан бардошлиликни амалга ошириш;

- ҳар бир ўқувчи томонидан ўзининг таълим траекториясини равишда танлаш учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Ўқувчиларнинг иқтидорларини рўёбга чиқаришнинг имкониятлари ҳам мавжуд. Улар сирасига қуйидагиларни қилиш мумкин:

- фан ўқитувчиларнинг ўқувчилар иқтидорини аниқлаш, таълим бериш ва педагогик қўллаб-қувватлаш соҳасидаги таълимий билимларга эга бўлишлари;

- болаларнинг иқтидорларини рўёбга чиқариш мақсадида раҳбарлари, фан ўқитувчилари ва мактаб жамоасининг ота-она билан ҳамкорлик қилишлари ва уларнинг таълим соҳасидаги инновацион жараёнларига хайрихоҳлик қилишларининг таъминланиши;

- ўқувчиларнинг ўз ижодий фаолиятларини мустакил бошқаришлари учун қулай педагогик муҳит яратилиши;

- ўқувчиларнинг иқтидорларини рўёбга чиқариш учун таълим жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини муносиб ҳимоя қилиш тизимининг яратилиши кабилар

Мазкур омиллар чуқурлаштирилган таълимни амалга ошириш учун етарлича меъёрий педагогик асос яратилиш имконини беради.

Мазкур омилларнинг самарали таъсирини мунтазам таҳлил қилиш натижасида чуқурлаштирилган таълим жараёнида йўқўйилаётган камчиликлар ва истикболга йўналтирилган режаларни аниқлаш имконини беради:

- бунда педагогик жамоа аъзоларининг инновацион фаолият кўрсатишларини таъминлаш;

- таълимни амалга ошириш учун етарлича моддий-техника асос яратиш;

- таълим жараёнини ташкил этишда ота-оналарнинг ҳоҳиш-истакларини ҳисобга олиш;

- индивидуал ва табақалаштирилган ёндашувни татбиқ қилиш;

- ўқувчиларнинг ижодий фаолликларини таъминлашга ҳизма қиладиган ўқув вазиятларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш;

- ўқувчиларнинг муайян соҳага оид билимларни мустақил ижодий ўзлаштиришлари ва амалий фаолиятларига татбиқ этишларини таъминлаш;

- ота-оналарнинг ўқувчиларнинг кўшимча таълим олишлари учун қулай шароит яратишларига эришиш;

- таълим самарадорлигини таъминлаш мақсадида эвристик топшириқлар кўламини кенгайтириш кабилар.

Чуқурлаштирилган таълим жараёнини ташкил этишда куйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

1. Ўқувчиларнинг ўзига хосликлари ва лаёқатларини кўллаб-қувватлаш.

2. Ўқувчиларнинг ақлий фаолиятларини ривожлантириш хизмат қиладиган топшириқлар мажмуини тақдим этиш.

3. Ҳар бир ўқувчининг касбий танловини амалга ошириш учун қулай педагогик шароитларни вужудга келтириш кабилар.

Тарбияланувчиларда шахсий ривожланишига нисбатан кадриятли муносабатда бўлиш ва бунинг натижаси сифатидан таълимга кадриятли муносабатни шакллантириш мақсад

қилинади. Мақсад фаолиятидаги марказий йўналишлардан ўрин – ўқувчиларнинг кизиқишлари ва қобилиятларини эрта аниқлаш ва ҳар бир болага максимал тарзда ўзини ўзи ривожлантириш учун имкониятлар яратиб бериш, таълимнинг барча босқичларида ривожланишнинг индивидуал траекториясини аниқлаб билишга шароит яратишларини таъминлашдан иборат.

Жамиятдаги ижтимоий ва маданий ўзгаришлар мазмунини алоҳида мамлакатда таълимни ривожлантиришнинг тамойилларини аниқлаш алоҳида фаиларни чуқур ўрганишда таълим тизимининг қиёсий таҳлил қилиш куйидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш имконини бери:

- таълим жараёнини чуқурлаштириш заруратининг мавжудлиги ва омманий таълим шаклларида чуқурлаштиришни таъминловчи услубий ва технологик ишланмаларнинг камлиги;

- ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишини таъминловчи шароитларининг яратилишига эҳтиёж ва ривожлантирувчи таълим учун турли-туман технологияларни амалга ошириш имкониятларининг пастлиги;

- таълим ва бошқарув фаолиятида компьютер техникасидан максимал фойдаланиш, янги ахборот технологияларини жорий қилишга эҳтиёж ва педагогик кадрлар тегишли тайёргарлигининг пастлиги;

- алоҳида фаиларни чуқур ўрганиш тартибида ишлаш шароитида ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва соғлигини аниқлаш учун чора-тадбирлар мавжуд тизимининг етарли самарадорлигига эга эмаслиги;

Ўқувчиларнинг ўз инновацион фаолиятлари моҳиятини таъминлашлари ва уни мунтазам такомиллаштиришлари кабилар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ижодий ва ижтимоий фаолиятка, касбий ҳамда ижтимоий ҳаётда тўғри йўл топа билиш мақсадига эга бўлган, истикбол вазифаларини илгари суриш ва аниқлашга қодир кадрларининг янги авлодини шакллантириш, ҳар бир болага ривожланган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жаълигарлигини хис этадиган фуқароларни камол топтиришни назарда тутган. Маълумки, ўқувчининг ижтимоийлашганлик даражасини унинг шахсий сифатлари ифодалайди. Унинг шахс сифатларидаги ҳусусиятлари эса индивидуаллик таркибининг ажралмас қисми бўлиб, индивидуалликнинг ўзи инсоннинг алоҳида шахс сифатида камол топиши ва ижтимоий тараққиёти жараёнида таъмин бўлади.

II БОБ. ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ВА УНИ ТАНЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

2.1. Фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларда таълим мазмунини танлашнинг дидактик асослари

Шахсга йўналтирилган таълим парадигмасини амалд татбиқ қилиш ўқувчиларнинг лаёқатларини ҳар томонлам ҳисобга олиш, уларнинг мослашувчанликлари ва кизиқишлари асосида таълим мазмунини табақалаштириш имконини беради.

Ўқув жараёнини табақалаштириш таълим мазмунини модер низациялашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, мазку жараён таълим тизимида кўпқирралиликни таъминлаш имконияти эгалигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бундай турли туманликлар сирасига ўқитишни индивидуаллаштиришнинг ривож ланиши, ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув юқламаларини меъёр лаштириш, таълим жараёнида узвийликни таъминлаш кабиларни кўрсатиш мумкин. Таълим мазмуни ва ўқув жараёни мазмунини табақалаштириш мазкур жараёни демократлаштириш в инсонпарварлаштиришнинг муҳим омилидир. Буларнинг барчаси жамият аъзоларининг таълимнинг улкан имкониятларида фойдаланишга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Ўқув жараёнини табақалаштиришнинг назарий асосларини аниқлашда мазкур йўналишдаги педагогик-психологик тадқиқот лар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай тадқиқотлар сирасига Б.Г.Ананьев, А.Н.Леонтьев, Б.Ф.Ломов, Г.И.Щукина, Р.Ҳасанов, М.Нишонбоеваларнинг ишларини киритиш мумкин.

Бугунги кунга қадар табақалаштирилган таълимнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишга йўналтирилган фундаментал йў налишдаги тадқиқот ишлари мавжуд эмас. Аксарият мутахассис лар «табақалаштирилган» таълим тушунчаси остида ўқувчилар нинг типологик, индивидуал-психологик, ўқитувчи ва ўқувчила рорасидаги алоқадорликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган ўқув жараёнини тушунадилар. Ўқув-билув жараёни типик жиҳатдан индивидуал характерга эга бўлган ҳар бир ўқувчи учун табақалаштирилган моҳият касб этади. Мазкур жараёнда берилаётган таълим эса, табақалашти

ниги таълим тартиди эътироф этилади. Бу жараёнда ўқувчининг ижодия ҳаёли индивидуал-психологик жиҳатдан ўзига хос тартида уларнинг бир қатор жиҳатлари тушунилади. Мана бу ҳурусуниётлар асосида ўқувчиларни муайян гуруҳларга тартиштириш мумкин.

Табақалаштириш таълим ва ўқитувчи мулоқотини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида намоён бўлиб, мазкур жараёнда ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал-психологик жиҳатлари ҳисобга олинади. Табақалаштириш ўқув жараёнини ташкил этишнинг шундай шакли билан боғланганки, бунда ўқув жараёнининг мазмуни, методлари ва жадаллиги кўпвариантликлиги ўқув жараёнига эга.

Табақалаштирилган ўқув жараёни ўқувчиларнинг лаёқатлари ва кўникмаларини ҳисобга олишга йўналтирилган педагогик жараёндир. Бу жараёнда ўқувчиларнинг ижодий имкониятлари рўёбга чиқади. Ўқув режалари ва дастурлари ўқувчи таълимнинг турли йўналишлари асосида табақалаштирилади. Табақалаштирилган ўқув жараёнида ялпи, гуруҳли, индивидуал таълим жараёнининг самарали уйғунлашуви амалга оширилади. Табақалаштирилган таълимнинг асосий вазифаси танланган таълим мазмуни асосида ҳар бир ўқувчининг уйғун тарзда таълим олиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришдан иборат. Бунинг натижасида синф жамоасида қулай ва таълимнинг ривожланишини таъминлашга қаратилган педагогик таълим вужудга келади. Шунинг учун ҳам, табақалаштириш ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантирувчи муҳим педагогик омил сифатида уларнинг кизиқишлари ва билиш шарафлари негизини ташкил этилади.

Табақалаштирилган таълим ўқув жараёнини ташкил этиш шакли ва методи сифатида таъкин этилади. Бу жараёнда ҳар бир ўқувчи бир қатор умумтаълим тайёргарлиги учун муҳим бўлган илмий, кўникма ва малакаларни ўзлаштиради. Мазкур билим, кўникма ва малакалар муноғазам ривожланувчи жамият ҳаётида таълим аҳамияти касб этиши билан характерланади.

Табақалаштирилган таълимнинг бир қатор турлари мутаассифонар томонидан эътироф этилган ва таснифланган. Жумладан, мактабдан ташқари ва мактаб ичидаги табақалаштириш. Бу тартида умумий ўрта таълим муассасаларининг бир қанча турлари

тушунилади. Мактаб ичидаги табақалаштириш тушунчаси остида эса, ташқи ва ички табақалаштириш назарда тутилади. Табақалаштиришнинг ташқи ва ички турлари мавжудлигини кўплаб мутахассислар эътироф этганлар.

Табақалаштирилган таълим турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Жумладан:

- ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари ва уларнинг ўқитишга бўлган талаблар асосида табақалаштириш;

- ўқувчиларга муайян ўқув фанларидан чуқурлаштирилган таълим-тарбия бериш учун махсус синфлар ва таълим муассасаларини ташкил этиш, бунда ўқувчиларнинг у ёки бундай таълим соҳасига бўлган кучли қизиқишлари ва лаёқатларини ҳисобга олинади;

- ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига мослаштирилган ўқув режаси асосида табақалаштирилган таълим бериш ва ихтисослашган гуруҳлар ташкил этиш;

- ўқувчиларнинг танловига асосланган ҳолда муайян ўқув фанларини чуқурлаштириб ўқитиш, қўшимча курслар ташкил этишга асосланган табақалаштириш кабилар.

Ташқи табақалаштириш ҳам ўзининг икки шаклига эга:

- а) ўқувчиларнинг қизиқишларига асосланган табақалаштириш ва
- б) уларнинг лаёқатларига асосланган табақалаштириш. Шунингdek, ўқувчиларнинг лаёқатларига асосланган табақалаштиришнинг ўзи ҳам икки хил кўринишга эга: умумий лаёқатларига асосланган ва хусусий лаёқатларга асосланган табақалаштириш.

Ички табақалаштириш тушунчаси остида муайян бир синф ўқувчилари билан уларнинг лаёқатлари, мослашувчанликларини ҳақда жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган турли метод ва воситалардан фойдаланган ҳолда ишлаш, ҳар бир ўқувчинини билиш эҳтиёжлари ва қизиқишларини қондириш тушунилади. Ички табақалаштиришда ўқувчиларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олинади. Агар ўқув жараёни ҳар бир ўқувчининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилса, бу индивидуаллаштириш ҳисобланади. Табақалаштиришда эса ўқувчилар гуруҳининг ўзига хослиги ҳисобга олинади лозим. Ўқувчиларнинг ўқув гуруҳларига ажратиш жараёни турли белгилар асосида амалга оширилиши мумкин. Чунончи: умумий лаёқатларига кўра

ти ҳанс психологик ҳусусиятларга кўра, қизиқишлари
енда ҳамда талаблари назарда тутилган касбларга кўра.

Бугунги кунга келиб педагогик амалиётда табақалаш-
тиришнинг турли шаклларида фойдаланишга бўлган уринишлар
атимокда. Чунотин табақалаштирилган топшириқлар бериш,
тувчининг ўқувчиларга кўрсатадиган ёрдамини меъёрлашти-
т, бирикларини тулик ўллатириш модели асосида ўқувчилар
ни турухли ишлаш кабилар.

Табақалаштиришнинг турли турларини дидактик жиҳатдан
влан таълимнинг таъкилий йўналиши ҳисобланади. Таълим
қулини табақалаштиришнинг асосий кўринишларидан бири
исослашган ва даражали табақалаштиришдир. Бунда таълим-
т таълиний жиҳатига эмис, балки мазмунига эътибор кара-
ади.

Р. Ҳасанов ва бошқалар томонидан яратилган табақалаш-
тирилган таълим концепциясида таълимни табақалаштиришнинг
ий мақсади ойдинлаштирилган. Мазкур мақсадни аниқлашда
а муҳим нуқтан назарга амал қилинган:

Табақалаштиришнинг мақсадини педагогик-психологик
тай назардан аниқлаш таълимни индивидуаллаштириш,
ий жарасида ҳар бир ўқувчининг мослашувчанлиги,
имияларининг ривожланиши, эҳтиёжлари ва лаёқатларини
обга олиш ҳолда ўқув жарасинини таъкил этиш.

Индивидуаллаштиришнинг мақсади:

таълимнинг умумий, ягона барча учун хос бўлган
илларини самарали амалга ошириш учун ўқувчиларнинг
а фарсли жиҳатларини ҳисобга олиш;

Ўқувчиларнинг имкониятларини тенглаштириш учун
нинг ўлга ҳосилларини тарбиялаш. Мазкур мақсадни
аа оширишнинг муҳим воситаси ўқувчиларга танлов
оширини беришдир.

Истиқомий нуқтан назардан табақалаштиришнинг мақсади
иятининг ижодий, интеллектуал, касбий қувватларини
алаштириш учун мақсадга йўналтирилган ўқувчиларнинг
ошиятларидан тулик фойдаланишга кўмаклашадиган қулай
агон ва ҳамкорлигини амалга оширишдан иборат.

Табақалаштиришнинг дидактик мақсади эса, ўқувчиларга
иқалаштирилган таълим беришга қаратилган янги дидактик

тизимни вужудга келтириш асосида мактабда мавжуд бўлган муаммоларни ечиш учун қулай вазият яратишдан иборат. Бу жараён тамоман янги ўқув-билув майлларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Луғавий машқлар: карама-қарши маъноли сўзлар: (роҳат-азоб, оқ-қора уйғотмоқ-ухлатмоқ, бошламоқ-тамомламоқ катта-

кичик (кичкина), баланд-паст) ва маънодош сўзлар: (орзу, истак, ҳавас, тилак; севинмоқ, шодланмоқ; айбсиз, гуноҳсиз, бегуноҳ каби) шаклдош сўзлар, уядош сўзлар ва кўп маъноли сўзлар.

4. Гап (26 соат)

Гапларнинг дарак, сўроқ, буйруқ мазмунини билдириши ҳамда сўзлардан тузилиши. Гапнинг биринчи сўзининг бош ҳарф билан ёзилиши ва охирига тиниш белгисининг қўйилиши. Гапдан ким?, кимлар?, нима?, нималар? ҳақида айтилганни билдирган сўзлар (эга ва кесим атамаси берилмайди). Сўроқлар ёрдамида гапдаги ўзаро боғланган, сўзларни аниқлаш.

Нутқ ва матн

Нутқ. Нутқнинг аҳамияти. Оғзаки ва ёзма нутқ ҳақида тушунча.

Матн. Матннинг ўзаро мазмунан боғланган икки ёки бир неча гаплардан тузилиши; саволлар ёрдамида унча катта бўлмаган матн асосида баён ёзиш; расмларга қараб саволлар ёрдамида гаплар тузиш.

Бир мавзуга оид 2-3 та гап туза олиш. Болаларнинг ўйинлари, катталар меҳнатига ёрдами, ўқишлари, қизиқишлари ҳақида ўқитувчи раҳбарлигида ҳикоя тузиш ва ёзиш.

Ҳуснихат (34 соат)

Бир чизикли дафтарда ўхшаш унсурли ҳарфларни ёзиш ва ҳарфни бир-бирига тўғри туташтириш; ўхшаш унсурли кичик ҳарфлар ва шу ҳарфлардан тузилган бўғинлар ва сўзларни ёзиш, ўхшаш унсурли бош ҳарфлар ва уларни ўздан кейин келган кичик ҳарфга туташтириш.

Айрим ёзув коидалари. Дафтарларнинг паст томонидаги бурчагини кўкрак ўртасининг қаршисига тўғри қўйиш; дафтарни чап қўл билан ушлаб туриб ёзиш; бошини бироз пастга эгиб, тўғри ўтириш; оёқни бўш тутиб, ерга қўйиб ўтириш; қўлнинг тирсагини парта устида тутиш. Ручкани уч бармоқ орасида эркин ушлаш. Ҳар бир ҳарфни тўғри туташтиришга риоя қилган ҳолда бўғин ва сўзларни аниқ ёзишга ҳаракат қилиш; ҳарф ва ҳарф бирикмаларини тўғри ва аниқ шакллантириш; шошмасдан, чаплаштирмасдан ёзиш; ҳар бир машқни уч-тўрт марта такрорлаш.

3-синф

Фонетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш (238 соат, ҳафтасига 7 соат) 1. Такрорлаш (31 соат) Нутқ ва гап, гап ва матн. Сўз.

Гап. Фикр билдириш мақсадига кўра унинг турлари, гапнинг ким? ёки нима? ҳақида айтилганини ва у ҳақида нима дейилганини билдирган сўзлар. Сўз ва сўзларнинг номланишига кўра гуруҳланиши.

Товушлар ва ҳарфлар. Унли ва ундош товушлар ва ҳарфлар. Бўғин. Сўзларни бўғинларга бўлиш ва бўғинларга бўлиб кўчириш қоидалари. Сўзларни бўғин, товуш ва товуш – ҳарф жиҳатдан таҳлил қилиш; Тутуқ белгиси ва унинг ишлатилиши. *Sh, ch, нг* ҳарф бирикмалари кетма-кет келган бир хил ундошли сўзлар ва уларнинг имлоси. Сўз охирида келган, жарангли жарангсиз жуфти бор ундошлар имлоси.

1. Гап (33 соат)

Гап. Гапларнинг ифода мақсадига кўра турлари: дарак гап, сўрок гап, буйруқ гап, истак гап. Гапнинг ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра турлари: Нукта (.), сўрок (?) белгилари, ҳис-ҳаяжон билан айтилган гапнинг охирига ундов белгисининг қўйилиши.

Гап бўлаклари. Гапнинг бош бўлаклари, иккинчи даражали бўлаклари (иккинчи даражали бўлақлар турларга ажратилмайди). Иккинчи даражали бўлақларнинг сўроклари. Эга ва кесим мазмунини тўдиришда иккинчи даражали бўлақларнинг аҳамияти. Гапда сўзларнинг ўзаро боғланишини сўроқлар ёрдамида аниқлаш.

Ўрганилганларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш. 3. Сўз таркиби (16 соат) Сўзнинг таркиби ҳақида умумий тушунча: Ўзак ва ўзакдош сўзлар. Сўз ясовчи қўшимчалар, сўз ясовчи қўшимчаларнинг ўзакдош (бир хил ўзакли) сўзлар ҳосил қилиши. Сўз ўзгартувчи қўшимчалар. 4. Сўз туркумлари (64 соат)

Сўз туркумлари ҳақида умумий тушунча. Сўзларнинг маъно ва вазифасига кўра гуруҳ-туркумларга бўлиниши: от, сифат, сон, феъл.

От. Отларнинг шахс ва нарсаларнинг номини билдириши ва ким?, нима? сўроқларига жавоб бўлиши: Отларнинг бирлик ва кўплик шаклида қўлланилиши уларнинг ким?, кимлар?, нима?, нималар? сўроқларига жавоб бўлиши. *-лар* қўшимчасининг имлоси. От ясовчи қўшимчалар. *-чи, -дош, -кор, -зўр, -лоқ* ва уларнинг имлоси.

Сифат. Сифатнинг шахс ва нарсалар белгисини билдириши ва қандай?, қанақа? сўроқларига жавоб бўлиши. Сифатнинг от (кенг дала)га боғланиши. Сифатнинг маъно турлари. Сифат ясовчи қўшимчалар *-ли, -сиз, -дор*, уларнинг имлоси.

Сон. Соннинг шахс ва нарсаларнинг саноғини, тартибини билдирувчи ва нечта?, қанча?, нечанчи? сўроқларига жавоб бўлиши. Нечта?, қанча? шахс ва нарсалар миқдорини, нечанчи? сўроғи эса уларнинг жойлашиш тартибини билдириши: Сонларнинг отларга боғланиб келиши (ўн кун, олтита қалам, учинчи синф). Санокни билдирган сонларга *-та* қўшимчасининг қўшилиши (тўртта, мингта); *-нчи (-инчи)* қўшимчаларининг қўшилиб (еттинчи, бешинчи) тартиб сонларни ҳосил қилиши. Сонларнинг сўз ва рақам билан ифодаланиши. (6-кават, олтинчи кават) ва уларнинг имлоси.

Феъл. Феълнинг шахс ва нарсалар ҳаракатини билдириши ва нима қилди?, нима қияпти?, нима қилади? сўроқлари, бўлишли ва бўлишсиз феъллар. Нима қилмайди? сўроғига жавоб бўлган бўлишсиз феъллар (айтмайди) ва *-ма* қўшимчасининг айтилиши ва имлоси. Феъл ясовчи қўшимчалар.

5. Ўйил давомида ўтилганларни такрорлаш. Боғланишли нутқни ўстириш (60 соат)

Ўзма нутқ ва унинг матн шаклида намоён бўлиши. Матнни мазмунан тугалланган қисмларга бўлиш. Матн қисмларига сарлавҳа танлаш; матн қисмларини ва ҳар бир қисмдаги гапларни ўзаро боғлиқлиги; матннинг тузилиши: кириш қисми, асосий фикир, охирги хулоса қисми ва уларни белгилаш.

Хабар (хикоя), ҳаракат ҳақидаги матнни берилган ёки ўқувчи ўзи тузган режа асосида қайта баён қилиш; бир мавзудаги бир неча расм, мазмунли расм асосида, шунингдек, ўқувчиларнинг ҳаётига яқин бўлган воқеалар (ўйинлар, табиатни кузатиш, саёхатлар) ҳақида матн тузиш; биргаликдаги тайёргарликдан сўнг оғзаки ёки ўзма ифодалаш; баён ва иншога аста-секин тасвирлаш ва муҳокама элементли 2-3 гапни қўшиб бориш, ўз ишлари ҳақида хат ёзиш.

Нутқ маданияти. Оғзаки ва ўзма нутқда таклиф, табрик, илтимос кабиларни ифодалайдиган сўзлардан фойдаланиш; боғланишли нутққа оид машқлар дастур материалларини ўрганиш жараёнида унга боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Луғавий машқлар ва грамматик материалларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда ўтказилади. Маънодош сўзлар, шаклдош сўзлар, карама-карши маъноли сўзлар, кўп маъноли сўзлар.

Хуснихат (34 соат)

Ёзувга оид малакаларни мустаҳкамлаш. Болаларга бир чизикли дафтарда ёзишни машқ қилдириш (ҳарфларнинг баландлик ва кенглик ўлчамини ўзлаштириш); ўқувчилар учун кийин бўлган айрим бош ва кичик ҳарфларни (И, С, Ҳ, ф, к, п, с) ёзишга, шунингдек, ҳарфларни тўғри туташтиришга риоя қилиш, сўзлар, гапларни кўчириб ёзиш, эшитиб ёзиш.

Боғланишли нутққа оид машқлар дастур материалларини ўрганиш жараёнида унга боғлиқ ҳолда ўтказилади. Матнни ижодий ўқиш ва уни таркибий қисмларга ажратиш. Ҳар бир қисмдаги асосий фикрни топиш ёки ўз сўзлари билан ифодалаш. Матн қисмларига синф жамоаси билан биргаликда режа тузиш. Режа асосида тўлиқ, қисқартириб, ижобий қайта ҳикоялаш.

Матнга сарлавҳа қўйиш, Таҳлилий баён, 70-80 сўзли матн асосида ҳикоя, тасвир, муҳокама элементли баён ёзиш. Матнни тўлиқ қисқартириб ёдлаш ва қайта ҳикоя қилиш асосида баён ёзиш. Таълимий иншо, сюжетли расм ўқилган тайёр қўрилган кинофильм, саёҳат давомида кузатилган воқеалар, кўринишлар асосида иншо ёзиш. Иншода тасвир, муҳокама элементларидан фойдаланиш.

Иншо ёзишга ўргатишда мавзунини тушуниш, чегарасини белгилаб олиш, материал тўплаш, мавзуга доир материалларни ажратиш, мантиқан тартибга солиш, режа тузиш ва ёзма шакллантириш, хатолар устида ишлаш кўникмасини шакллантириш.

Тақлифнома, табрикнома, хат, хабарнома ёзиш, алифбо тартибида рўйхат туза билиш.

4-синф

Фонетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш (238 соат, ҳафтасига 7 соат)

1. Гап (9соат)

Такрорлаш. Гап, гапнинг ифода мақсадига кўра турлари, уларнинг фикр ифодалашини.

Гапни тугалланган оҳанг билан, буйруқ, тинч ва ҳис-ҳаяжон оҳангида айтилиши; гап оҳангига кўра тиниш белгиларининг

ишлатилиши (нукта, сўрок, ундов белгилари); гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши; гапда сўзларни ўринли қўллаш, луғатдан фойдаланиш малакасини шакллантириш.

2. Гап бўлаклари (8 соат)

Гап. Бош бўлаklar: Эга ва кесим уларнинг сўроклари, иккинчи даражали бўлаklar, уларнинг сўроклари, гапда сўзларнинг боғланиши; гап бўлаklarини боғловчи грамматик воситалар: оҳанг ёрдамида боғланиш (масалан, катта бино, аъло ўкин, икки кадам каби); сўз ўзгартирувчи қўшимчалар ёрдамида боғланиши (масалан, хикояни ўқимок, дарахтнинг барги, сенга айтмоқчиман каби); сўзлар ёрдамида боғланиш (ва, ҳамда, лекин, бироқ, аммо).

3. Уюшиқ бўлакли гап (14 соат)

Гапда бир бўлакнинг бирдан ортиқ қўлланиши – уюшиқ бўлаklar. Кесим, эга ва иккинчи даражали бўлаklarнинг уюшиб келиши. Уюшиқ бўлакни санаш оҳанги билан ўқиш; уюшиқ бўлаklarнинг боғланиши: санаш оҳанги ёрдамида; ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ сўзлари ёрдамида; уюшиқ бўлакли гапларда вергулнинг ишлатилиши.

4. Ундалма (8 соат)

Ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахс эканлиги; бош келишидаги от билан ифодаланиши; унинг ўзига хос хусусияти: гап таркибида гап бўлаги вазифасини бажармаслиги, гапда бошқа бўлаklar билан боғланмаслиги; ўзига хос ундаш; чақириш оҳанги билан айтилиши; гапнинг бошида, охирида, ўртасида қўлланиши; ундалма қатнашган гапларда ундаш ёки чақириш оҳангининг кучли ёки кучсизлигига қараб, ундалмадан сўнг вергул ёки ундов белгисининг қўйилиши.

6. Нутқ. Матн (4 соат)

Матннинг гапдан фарқи, матнларни мазмунан қисмларга бўлиш ва матн қисмларига сарлавҳа қўйиш, матннинг тузилиши; бир кишининг нутқи, икки ва ундан ортиқ кишининг нутқи. Матннинг ўзига хос хусусиятлари. Сарлавҳа. Матнни ифодали ўқиш ва саводли ёзиш; тайёр матнни ўқиш ва қайта хикоя қилиш. Баён ҳақида тушунча.

7. Товушлар ва ҳарфлар (11 соат)

Унли ва ундош товушлар, уларнинг ҳарфий ифодаси; талаффузи ва ёзилиши фарқ қиладиган унли товушли сўзларнинг талаффузи ва имлоси; жарангли ва жарангсиз ундошларнинг

талаффузи ва имлоси; бир хил қўш ундошли сўзлар ва уларнинг имлоси; сўз охирида катор келган ундошли сўзлар ва уларнинг имлоси, х-ҳ товушли сўзлар ва уларнинг имлоси, тутук белгисининг сўз маъноларини фарклаш.

Бўғин. Сўзларни бўғинларга бўлиш; унли товушларнинг бўғин ҳосил қилиши; сўзларни бир сатрдан иккинчи сатрга бўғинлаб кўчириш; сўзларни бўғин, товуш ва ҳарф жихатдан таҳлил қилиш.

Алифбо. Сўзларни алифбо тартибида қайта тузиш. Алифбо-нинг аҳамияти.

8. Сўз ва сўз таркиби (4 соат)

Сўз, унинг таркибий қисми, ўзак ва қўшимчалар, қўшимчаларнинг вазифасига кўра турларини, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар, сўз таркибини аниқлашга оид машқлар, ўзак ва қўшимчаларни аниқлаш ва белгилаш. Матндан ўзакдош сўзларни ажрата олиш; бир хил ўзакли сўзлар ҳосил қилиш; сўз ясовчи қўшимчаларни қўшиб, ўзакдош сўзларни ҳосил қилиш; тилнинг ривожланиб, бойиб бориши ҳақидаги тушунчани шакллантириш.

9. Сўз туркумлари (3 соат)

От. Отнинг маъно турлари, шахс отлари, нарсa отлари, жой отлари. Ким?, нима?, қаер? сўроқларидан бирига жавоб бўлиши; отларнинг бош ва кичик ҳарфлар билан ёзилиши. Отларнинг бирлик ва кўпликда қўлланиши. Отларнинг бош ва иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши.

Сифат. Сифатнинг маъно турлари ва сўроқлари (кандай?, қанақа?). Сифатларнинг отга боғланиши, иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши.

Сон. Соннинг неча?, қанча?, нечанчи? сўроқларига жавоб бўлиши. Соннинг отга боғланиши, кишилиқ олмошларининг иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши.

Феъл. Феълнинг ҳаракат билдириши ва сўроқлари (нима қилди?, нима қияпти?, нима қилмоқчи?). Бўлишли ва бўлишсиз феъллар; феълнинг кесим вазифасида келиши; от, сифат ва феълга доир ўзакдош сўзлар тизимини тузиш. Шу сўз туркумлари ичида учрайдиган маънодош, карама-қарши маъноли, бир хил шаклли, кўп маъноли сўзлар устида ишлаш. Ўрганилган ясовчилар ёрдамида бир туркумдан иккинчи туркумга оид сўзлар ҳосил қилиш.

10. От (47 соат)

Отларнинг эгалик қўшимчалари билан қўлланиши.

Нутқда отларнинг эгалик қўшимчаларининг отни ва отдан ва холда қўлланиши; эгалик қўшимчаларининг улар ва улардан кейин қўшиладиган шакллари; эгалик қўшимчаларни қўйиладиган отларнинг талаффузи ва имлоси.

Отнинг келишиқ қўшимчалари билан қўлланиши; матнда ва нутқда отларнинг бир келишиқда бўлиши, келишиқ қўшимчаларни отларнинг талаффузи ва имлоси; келишиқ қўшимчаларни отларни бирикма тарзида ёзиш; келишиқ қўшимчаларининг отни – отга, отни – феълга боғлаши.

Эгалик ва келишиқ қўшимчаларини чизмаларда белгилан. От ясовчи қўшимчалар. Лексик машқлар ва улар ёрдамида ўқувчилар нутқини отлар билан бойитиш.

11. Сифат (22 соат)

Шахс ва нарсанинг рангини, шаклини, ҳажмини, мазасини, хидини, хусусиятини билдириши, сифатларнинг от билан оҳанг ёрдамида боғланиши; сифатларнинг гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши; кўм-кўк, оппоқ, сап-сарик, оч сарик, тўк кизил каби сифатларнинг талаффузи, ёзилиши; сифатнинг белгини ифодалаши (амалий тушунча). Сифатларнинг ясалиши; лексик машқлар ва улар ёрдамида ўқувчилар нутқини сифатлар билан бойитиш.

12. Сон (15 соат)

Соннинг шахс ва нарсанинг саногини (микдорини) ва тартибини билдириши; тартиб сонларнинг имлоси; сонларнинг отга боғланиб келиши; сонларнинг отга оҳанг ёрдамида боғланиши; сонларнинг гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши; сонларни ўзи боғланган сўз билан бирикма тарзида ёзиш; сонларнинг ёзувда харфий ифода, араб, рим рақамлари билан ифодаланиши.

Сонларнинг ёзилиши. Сонларнинг метр, грамм каби сўзлар билан келганда битта сўроққа жавоб бўлиши (амалий), икков, ўнча, бештадан каби сонларнинг ёзилиши (амалий).

13. Кишилиқ олмошлари (13 соат)

Кишилиқ олмошлари, уларнинг уч шахсни ифодалаши; шахс (бирлик ва кўплик) кишилиқ олмошларининг от ўрнида қўлланиши; кишилиқ олмошларининг ким? сўроғига жавоб

бўлиши; кишилиқ олмошларининг келишиқ қўшимчалари билан қўлланиши, имлоси; олмошларнинг бош ва иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши. Кишилиқ олмошларидан нутқда ўринли фойдалана олиш.

14. Феъл(33 соат)

Феъл, унинг кесим вазифасида келиши; феъл замонлари, уларнинг ҳаракатни уч замоннинг бирида бажарилишини билдириши; ўтган, ҳозирги, келаси замон феъллари, қўшимчалари; уч замондаги феълларнинг талаффузи ва имлоси. Феълларнинг шахс-сон қўшимчалари билан тусланиши; шахс-сон қўшимчаларининг сўз ўзгартирувчи қўшимчалар экани; шахс-сон қўшимчалари ҳаракатни уч шахснинг бири томонидан бажарилишини билдириши; шахс-сон қўшимчаларининг *-яп, -ди* замон қўшимчаларидан сўнг қўшиладиган шакллари (амалий); шахс-сон қўшимчали феълларнинг талаффузи ва имлоси. Феъл ясовчи қўшимчалар. Лексик машқлар ва улар ёрдамида ўқувчилар нутқини феъллар билан бойитиш.

15. Ўқув йили охиридаги такрорлаш (13 соат)

Ўқув йили охиридаги такрорлаш, ўрганилган билимларни эслатиш орқали тизимга солиш ва умумлаштириш мақсадида ўтказилади. Ўқувчилар бир дарсда бир неча турдаги мужассам топшириқларни бажарадилар. Такрорлаш дарслари матн, гап, гап бўлаклари, товуш ва ҳарфлар, товушларнинг турлари, бўғин, алифбо, ўзак, сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи қўшимча, сўз туркумлари бўйича ўтказилади. Ўқувчилар нутқи ва ёзувидаги камчиликлар ҳисобга олинади. Бу ўқитувчининг бошқа синфларда таълим жараёнини тўғри ташкил этишини таъминлайди.

Ўқувчилар билан ўқув йили давомида имлоси устида ишланадиган айрим сўзлар дарслиқ охиридаги луғатчада берилган. Дарслиқда сўзлар маъноси берилган бўлиб, ўқувчилардан уларни ўзлаштиришлари талаб қилинмайди.

Боғланишли нутқ.

Нутқ, матн ва гапни фарқлаш; оғзаки ва ёзма нутқни тўғри шакллантириш; матн мазмунини қайта ҳикоялатиш; матндаги асосий фикрни аниқлай олиш; матннинг тузилишини аниқлаш, уни қисмларга ажратиш; улар орасидаги боғланишни изоҳлай олиш; матнга сарлавҳа топиш. Болаларга эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат уйғотиш, боғланишли нутқини ўстириш,

адабий-эстетик тафаккурини юксалтириш ўқиш дарсларининг туб моҳиятининг ташкил этади.

Таълимий баён. Берилган матн асосида ҳикоя ёзиш; муҳокама ва тасвир жанри элементлари қатнашган баён ёзиш; матнни қискартириб, ижодий қайта ҳикоя қилиш асосида баён ёзиш; танлаб қайта ҳикоя қилиш асосида баён ёзиш.

Таълимий иншо. Қисмли (қисмларга ажратиб берилган) расмлар ва мавзулар битта расмда ифода этилган кўриниш асосида, шунингдек, ўқилган, кузатилган, эшитилган, кўрилган воқеа ва ҳодисалар асосида материал тўплаш, режа ва шу асосида иншо ёзиш; баён ва иншо режаларини тузишда ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўллаш.

Хуснихат (34 соат).

Чиройли ёзиш малакалари такомиллаштирилади. Бўғин, сўз, гап, матнни хуснихат қоидаларига риоя қилган ҳолда кўчириб ёзиш; эшитиб ёзиш ва мустақил ёзиш; матнни ёзишда сарлавҳанинг ёзилишига, хат бошидан бошлаш; сўзлар орасидаги масофанинг бир хиллигига, ҳарфларнинг тўғри ва аниқ ёзилишига, туташтирилишига диққат қаратилади, хошияга риоя қилиш, ўзининг ва ўзгаларнинг ёзувини график таҳлил қила олиш.

2.4. Чуқурлаштирилган таълимни ташкил этиш технологиялари

Чуқурлаштирилган таълим жараёнида ривожлантирувчи ва тарбияловчи таълим принциpidан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур принципга таянган ҳолда чуқурлаштирилган таълимни ташкил этиш шунинг учун ҳам аҳамиятлики, ўқитишнинг мақсади, мазмуни ва методлари нафақат билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, балки ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ривожлантириш ва уларда ижобий сифатларни шакллантиришга ҳам кўмаклашиши лозим.

Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш принципи эса ўқув жараёнининг мақсади, вазифалари, мазмуни ва бориши ўқувчиларнинг индивидуал ва типологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш имконини бериши керак. Мазкур принципни амалга ошириш шунинг учун ҳам алоҳида аҳамиятга эгаки, унга кўра иктидорлари ёрқин тарзда

намоён бўладиган ўқувчиларга чуқурлаштирилган таълим бериш учун қулай шароит яратилади.

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш принципи ёрдамида чуқурлаштирилган таълим мазмуни ва унинг методлари орасидаги мутаносиблик таъминланади. Чунки иктидорли ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари турли ёш давларида турлича намоён бўлади. Уларнинг имкониятлари канчалик юқори даражада бўлса, ўқув топшириқларини ечиш жараёни шунчалик жадал кечади.

Чуқурлаштирилган таълим мақсади унинг мазмунини белгилаш ва мазкур жараёни ташкил этишда алоҳида аҳамиятга эга. Иктидорли ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ижтимоий буюртма билан бир каторда чуқурлаштирилган таълим-тарбиянинг мазунига алоҳида руҳ бағишлайди. Бу муайян ўқув фани соҳасида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнида намоён бўлади. Шунингдек, уларнинг иктидорларини ҳисобга олган ҳолда мунтазам ривожланишлари ва тарбияланишлари учун қулай шароит яратишга асос бўлади. Ўқувчиларнинг ўзига хосликлари ва ўқув жараёни хусусияти билан боғлиқ ҳолда муайян мақсад асос сифатида намоён бўлади.

Иктидорли ўқувчиларга чуқурлаштирилган таълим беришда бир катор ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

Иктидорли ўқувчилар умумий ўрта таълим тизимидаги барча ўқув предметлари соҳасидаги билимларни ўзлаштиришлари керак. Шу билан бир каторда уларнинг руҳий хусусиятлари таълим мақсадига нисбатан ўзига хосликларини ифодаловчи махсус кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради. Мактаб ўқув дастури доирасида муайян кўламдаги билимларни ўзлаштириш асосида бу ҳолат яққол намоён бўлади.

Бундай ўзига хос кўрсаткичлар умумий ўрта таълим жараёнида юқори даражадаги тайёргарликни ифодалайди. Ўқувчиларнинг шахсий қизиқишлари ва имкониятлари билан боғлиқ тарзда оламни яхлит тушуниш имконини берадиган кўникмаларни ривожлантириш уларнинг турли соҳалардаги билимларни ўзлаштиришларига лаёқатлиликларини намоён этади.

Иктидорли ўқувчилар умумий ўрта таълим жараёнида ўқитиладиган айрим ўқув фанларига нисбатан алоҳида лаёқатларини намоён қилишларига қарамасдан бошқа фанларга оид билимлар-

ни ҳам ўзлаштиришга интиладилар. Кўпгина иқтидорли ўқувчилар учун бундай ранг-баранг билимларни ўзлаштириш бир қадар мураккаб бўлган билиш фаолиятига киришишни тақозо қилади.

Барча иқтидорли ўқувчилар учун таълим-тарбиянинг етакчи мақсади уларнинг барча лаёқатлари ва иқтидорларини рўёбга чиқаришни таъминлашдан иборат. Иқтидорли ўқувчилар учун бундай мақсаднинг қўйилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Чунки жамият тамаддуннинг долзарб муаммоларини счишда алоҳида иқтидор эгаларига таянади. Шунинг учун ҳам ўқувчининг ўзига хослигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш уларнинг таракқиётини таъминлайди. Бу эса иқтидорли ўқувчиларга чуқурлаштирилган таълим беришнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ўқувчиларнинг иқтидорлиликларини тушуниш, уларнинг шахсиятини такомиллаштириш чуқурлаштирилган таълимнинг асосини ташкил этишини англаш имконини беради. Иқтидорли ўқувчиларга чуқурлаштирилган таълим бериш уларни ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Чуқурлаштирилган таълимнинг ўзига хослиги уларнинг муайян фан соҳасига қизиқишларини аниқлаган ҳолда ривожлантиришдан иборат. Бунда уларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик қонуниятларига таянилади. Ўқувчиларнинг иқтидорларини аниқлаган ҳолда уларга чуқурлаштирилган таълим бериш жараёни қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:

- ўқувчиларнинг қизиқишлари ва иқтидорларини ҳисобга олган ҳолда улар шахсиятининг маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантириш;

- иқтидорли ўқувчилар онгига асосий миллий-маънавий қадриятларни сингдириш;

- ижодкор шахснинг ривожланиши учун қулай педагогик шарт-шароитларни вужудга келтириш;

- иқтидорли ўқувчиларнинг ўзига хосликларини ривожлантириш, чуқурлаштирилган таълим бериш асосида уларнинг имкониятларини очиш;

- юқори даражадаги кенг қўламли умумтаълим тайёргарлигини таъминлаш;

- чуқурлаштирилган таълим жараёнида ўқувчиларга оламни яхлит тарзда тушуниш имконини берадиган билимларни ўзлаштириш лаёқатларини таъминлашга қўмаклашадиган, уларнинг

эҳтиёжлари ва мойилликларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган ўқув вазиятларини яратиш кабилар.

Чуқурлаштирилган таълим ўзига хос методлар ва воситаларга эга бўлиши керак. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш воситаси сифатида чуқурлаштирилган таълим методлари билимларни муваффақиятли ўзлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Шунингдек, мазкур методлар ёрдамида ўқувчиларнинг билиш лаёқатлари ва шахсий сифатлари ривожлантирилади.

Интеллектуал жиҳатдан иқтидорли ўқувчиларни ўқитишда ижодий характердаги методлар муҳим ўрин эгаллайди. Улар муаммоли ўқитиш методи, изланишга асосланган ўқитиш методи, эвристик, тадқиқотчилик, лойиҳачилик методлари. Жумладан лойиҳалаш методи мустақил, индивидуал ва гуруҳли иш усуллари билан уйғунлашган тарзда намоён бўлади. Мазкур методлар юқори даражадаги билиш майлларини кўзғатиш имкониятига эга. Шунинг учун ҳам иқтидорли ўқувчиларнинг фаоллик ва билиш даражаларига мос келади. Шубҳасиз ушбу методлар ўқувчиларнинг ижодий тафакурларини ривожлантириш учун самарали бўлиб, билиш майллари, қатъиятчилик, мустақиллик, ўзига ишонч, ҳиссий барқарорлик ва ҳамкорлик қилишга лаёқатчилик сифатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Иқтидорли ўқувчиларни ўқитиш жараёни ахборотларни ўзлаштиришнинг турли манбалари ва усулларида эркин фойдаланиш имконини бериши лозим. Муайян ўқувчиларда кенг қўламли ахборотларни эгаллаш ва уни ўз ҳаракатларига татбиқ этиш эҳтиёжи мавжуд бўлса, уларга чуқурлаштирилган таълим бериш мақсадга мувофиқдир.

Иқтидорли ўқувчиларга чуқурлаштирилган таълим беришда самарадорликка эришиш учун фойдаланиладиган воситалар, биринчи навбатда, таълим мазмуни ва методларига мувофиқ тарзда танланиши керак. Чунки мазкур воситалар чуқурлаштирилган таълим мазмуни ва методлари ёрдамида ўқув жараёнига татбиқ этилади.

Иқтидорли ўқувчиларга чуқурлаштирилган таълим беришнинг муайян шакллари ва типлари мавжуд. Иқтидорли ўқувчиларга таълим бериш жараёни қуйидаги таркибий қисмларга ажратилади:

1. Мактабгача таълим муассасаларида болаларга чуқурлаштирилган таълим беришда ривожлантирувчи таълим жараёни, «Болаларни ривожлантириш марказлари» хизматидан фойдаланилади. Чунки уларда иктидорли болаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай педагогик муҳит яратилган бўлади. Мактабгача таълим муассасаларидаги ўқув жараёнида болаларни узлуксиз ривожлантириш ва мактабдаги ўқув жараёнига тайёрлаш амалга оширилади.

2. Умумий ўрта таълим жараёнида иктидорли ўқувчиларни индивидуаллаштиришни амалга ошириш орқали таъминланади.

3. Қўшимча таълим тизимида ўқувчиларнинг ижтимоий-маданий ва таълимий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг иктидорлари ва лаёқатларини қўллаб-қувватлаш имкониятлари кенгайтирилади.

4. Умумий ўрта таълим жараёнида чуқурлаштирилган синфлар ва ихтисослашган мактабларда ўқувчиларнинг иктидорларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилади.

Умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчиларга чуқурлаштирилган таълим бериш ўзига хос хусусиятларга эга. Иктидорли ўқувчиларга чуқурлаштирилган умумий ўрта таълим бериш ўқув жараёнини тақабалаштириш ва индивидуаллаштириш асосида амалга оширилади. Бунда иктидорининг кўринишига кўра ўқувчиларни гуруҳларга ажратиш, индивидуал ўқув режасини ташкил этиш, муайян ўқув фанлари бўйича индивидуал дастурлар бўйича ўқитиш кабиларга эътибор қаратилади.

Бугунги кунда таълим жараёнида индивидуал ўқув дастурларидан факат биттаси қўлланилади. Бу эса ўқувчиларнинг бошқа турдаги лаёқатларини очиниш имконини бермайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, чуқурлаштирилган ўқув дастурлари асосида ишлаш ўқувчиларни ўз тенгдошлари жамоасидан узоқлаштирмайди. Индивидуал режа асосида ишлаш ҳамда таълимнинг индивидуал ўқув дастурларини тузишда замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш талаб этилади. Мазкур дастурлар доирасида иктидорли ўқувчилар ўз эҳтиёжлари доирасида йўналтирилган ахборот олиш имкониятларининг қўллаб-қувватланишига муваффақ бўладилар.

Иктидорли ўқувчиларни индивидуаллаштириш ва уларга чуқурлаштирилган таълим беришда ўқитувчи муҳим ўрин

таълим. Бунинг учун ўқитувчилар юкори даражадаги педагогик маҳорат ва касбий билимларга эга бўлишлари лозим. Улар муайян иқтидорга эга бўлган ўқувчилар билан индивидуал ишлаш тажрибасини ўзлаштирган бўлишлари керак.

Ўқитувчининг муҳим вазифаларидан яна бири диалог ва изланишлар асосида ўз ўқувчиларига индивидуал ривожланиш стратегияларини амалга оширишлари учун кўмаклашишдан иборат. Ўқувчиларнинг ўз мавқеини аниклаш ва ўз фаолиятларини ташкил этиш лаёқатларига таянган ҳолда уларни ривожлантириш талаб этилади. Ўқитувчи фаолиятининг моҳияти шундаки, у иқтидорли ўқувчиларнинг ўзига хослигини мувофиқлаштириш маҳоратига эга бўлиши лозим. Ўқитувчи иқтидорли ўқувчи ҳаёт тарзи ва таълим мазмунининг турли даражаларини ҳисобга олиши талаб этилади.

Эркин танловга асосланган машғулотлар жараёнида ўқитувчи кўпроқ кичик гуруҳларда ишлаш методидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Чуқурлаштирилган таълим жараёнида табақалаштиришни амалга ошириш турли-туман иш турларидан фойдаланишни тақозо этади. Бу эса иқтидорли ўқувчиларнинг турли эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олиш имконини беради.

Иқтидорли ўқувчилар билан амалга ошириладиган бундай шаклдаги ишларда катта имкониятлар мавжуд. Тадқиқотчилар гуруҳларини тузиш ўқувчилар учун нафақат изланишларни амалга ошириш имкониятини туғдиради, балки уларнинг ривожланишлари учун ўзига хос жараённи вужудга келтиради. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш дастурида юқорида таъкидланганидек, ўқув материали мазмунини танлаш ва уни таркиблаштиришда муайян камчиликлар мавжуд.

Чуқурлаштирилган таълим дастурларини янги мавзулар ҳисобига кенгайтмасдан мураккаблаштириш ва белгиланган мавзулар доирасида чуқурлаштирилган билимларни тақдим этиш талаб қилинади. Ўқувчиларнинг имкониятларини мунтазам кенгайтириш уни тадқиқотчилик ишларига жалб этиш орқали амалга оширилиши керак. Ўқувчиларнинг ижодий лаёқатларини шакллантириш уларни ижодий фаолиятга жалб этиш орқали рўёбга чиқарилади. Тадқиқотчилик фаолияти ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини юқори даражада тизимлаштириш имконини беради.

Ижодий гуруҳларда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан ҳамкорликда изланишларни амалга оширишлари талаб этилади. Иктидорли ўқувчилар ўқитувчилар билан ҳамкорлик асосида изланишларни амалга оширадилар ва айти пайтнинг ўзида муайян ўқув предмети бўйича тадқиқот гуруҳига раҳбарлик ҳам қила оладилар. Синфлараро ташкил этилган шўъбаларни эса ўқитувчилар бошқарадилар. Турли ёшдаги ўқувчиларни бир гуруҳга жамлаган ҳолда яхлит муаммони ечишга сафарбар қилиш улар фаолиятида учрайдиган мураккабликларни бартараф этиш имконини беради. Бундай ёндашув натижасида ўқувчиларнинг ижодкорлик лаёқатлари жадал ривожланади. Улар ўз тенгдошлари орасида яққол намоён бўла бошлайдилар. Шу билан бир қаторда ҳамкорлик натижасида ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида ижодий муҳит, ўзаро муносабат вужудга келади. Иктидорли ўқувчининг ютуқлари синфдаги барча ўқувчиларга ижобий таъсир кўрсатади. Бу нафақат ўқувчиларнинг ривожланишларига сезиларли таъсир кўрсатади, балки тарбиявий самарадорликка ҳам эгадир. Муайян ўқувчининг мавқеини мустаҳкамлайди, унда ўз синфдошлари учун масъулият ҳиссини таркиб топтиради. Шу билан бир қаторда бундай иш турлари ўқувчиларни эрта ихтисослаштиришдан муҳофаза қилиб, умумий фаолият турларини эгаллашларига шароит яратади.

Иктидорли ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш унга аввалдан тайёргарлик кўришни талаб қилади. Бундай фаолиятнинг мақсади ўқувчиларда тадқиқотчилик фаолиятига бўлган қизиқишларини ривожлантириш ва умумий кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат. Мазкур босқич, айниқса, бошланғич ҳамда 5-7-синф ўқувчилари учун муҳимдир. Бу чуқурлаштирилган ёки кўшимча таълим жараёнида амалга оширилади. Ўқувчиларда биллиш йўналишлари ва маънавий қадриятлар тўлақонли тарзда шаклланишдагига мазкур тизимда самарадорликка эришилади. Шу мақсадда ўқув фанлари бўйича тузиладиган дастурларда илмий тадқиқотлар ортида турган шахсий стратегиялар ва ахлоқий хатти-ҳаракатлар ўз ифодасини топиши керак.

Ўқувчиларни тадқиқотчиликка жалб қилишнинг самарали шаклларида бири лойиҳачилик методидир. Иктидорлилик даражаси ва қизиқишига кўра муайян ўқувчи муайян лойиҳани амалга оширишга сафарбар этилади. Ўқувчидан амалий

Ўқувчиларнинг таҳсил қилиш ва уларга ечим топиш, ўз ишини таълимнинг сифатида ташкил этиш ва уни очик маъруза шаклида яқунлаш талаб этилади. Ўқитишнинг бундай шакли иктидорли ўқувчиларга ўз синфдошлари билан ўқиш, улар билан ижтимоий ҳамкорлик ўрнатиш имконини беради. Шу билан бир қаторда улар ўз билимларини сифат жиҳатдан чуқурлаштирадilar ва ўз иктидорларининг йўналишларини аниқлашда ўқитувчига кўмаклашадilar. Ўқувчилар якка ва гуруҳли тарзда лойиҳалар тузишлари мумкин. Гуруҳли иш усули ўқувчиларни ижтимоий ҳамкорлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Иктидорли ўқувчилар учун махсус чуқурлаштирилган синфлар ташкил этилмаган мактабларда ўқув жараёни билан синфдан ташқари таълим жараёнини уйғунлаштириш талаб этилади. Масалан, иктидорли ўқувчиларга таълим беришда индивидуал режа асосида амалга ошириладиган ўқув жараёнини «Якшанбалик мактаблари»даги таълим жараёни билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, она тили ва адабиёт, математика, чет тиллари, тарих, физика, экология бўйича ташкил этиладиган «Якшанбалик мактаблари» бунга мисол бўла олади. Бундай мактабларда иктидорли ўқувчилар ўз касбининг усталари бўлган мутахассислар билан мулоқот ўрнатадилар. Ушбу мактабларда ташкил этиладиган дарс соатлари умумий ўрта таълим мактабларидаги соатларни камайтириш ҳисобига ташкил этилади.

Умумий ўрта таълим шароитида иктидорли ўқувчиларга чуқурлаштирилган таълим беришда ўқув жараёнини табақалаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда ўқувчилар ўқув жараёнининг муайян вазиятларидагина алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратиладилар. Чуқурлаштирилган таълимнинг у ёки бу шаклини танлаш ўқув муассасасининг ўзига хос жиҳатлари моддий-техник базаси, педагогик жамоа таркиби, иктидорли ўқувчилар контингенти билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Мазкур ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олиш чуқурлаштирилган таълим жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради.

Маълумки олдин ласката ва дундан инсонинг кўра иктидорлилар жамиятта кўпроқ наф келтирадилар. Шунинг учун ҳам, иктидорли болаларни ўқитиш ва тарбиялаш таълим тарбия тизими олдидаги долзарб муаммолардан биридир. Мазкур муаммонинг долзарблиги фан ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан баробар тарзда кенгайиб бормоқда. Зеро ҳар қандай жамиятда муайян халқнинг иктидорли фарзандлари фан, техника ва маданиятни ривожлантирувчи асосий куч сифатда намоён бўлади.

Иктидорли болаларни ўқитиш ва тарбиялаш муаммоси мамлакатимизда мустақиллик йилларида янада долзарбланди. Бу масалага миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашила бошланди. Бу шу билан изоҳланадiki Ўзбекистон жамияти юксак иктидор эгалари — илм-фаннинг сара вакилларига эҳтиёж сезмоқда. Бунга фақат иктидорли болаларга чуқурлаштирилган таълим-тарбия бериш йўли билангина эришиш мумкин.

Бугунги кунга келиб дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида иктидорли ўқувчилар учун ихтисослашган мактаблар мавжуд. Бундай мактаблар АҚШ, Япония, Олмония ва Англияда кўплаб ташкил этилган. Мазкур таълим муассасалари турли-туман номлар билан аталишига қарамасдан, улар ягона вазифани иктидорли болаларни ўқитиш вазифасини ўқитишга мўлжалланган. Халқ орасидан иктидорли болаларни излаб топиш ва уларга таълим бериш ҳар қандай жамиятнинг устувор максади ҳисобланади.

Иктидор — нафақат унинг эгаси бўлган шахснинг ютуғи, балки миллат ва халқнинг бойлиги ҳамдир. Мазкур бойликни асраб-авайлаш ва ундан тўғри фойдаланиш лозим.

Мустақиллик йилларида кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий қилиш талабларидан келиб чиққан ҳолда бизнинг мамлакатимизда ҳам иктидорли болаларга таълим беришга йўналтирилган таълим муассасалари ва махсус синфлар ташкил этилди.

Бугунги кунга келиб иктидорли болаларни излаш ва уларни чуқурлаштирилган таълим жараёнига жалб этиш турли танловлар ва синовлар йўли билан амалга оширилмоқда. Турли олимпиада ва танловлар ҳар доим ҳам ўқувчиларнинг иктидорлилик даражаларини аниқлашнинг муайян мезони бўла олмайди. Чунки олимпиада ва танловлар ўқувчиларнинг фақат билимларини ва мазкур билимлардан фойдаланишга оид кўникмаларини аниқлаш имконинигина беради холос. Иктидорли болаларни аниқлашнинг мақбул усуллари излаб

таълим педагоглар олдига турган муҳим вазифалардандир. Иктидорли болаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун уларни махсус мактабларда ўқитиш шарт эмас. Бунинг учун фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларни ташкил этиш ҳам мумкин.

Иктидорли болаларни каерда ва қандай ўқитиш муаммоси ўта мураккаб ва махсус тадқиқ этилмаган ташкилий педагогик масаладир. Ушбу муаммони мақсадга мувофиқ ечиш учун мазкур йўналишдаги халқаро ва амалий тажрибаларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш лозим. Шу билан бир қаторда, фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфлар ва чуқурлаштирилган таълим муассасалари битирувчиларининг билим, кўникма ва малакалари ва иктидорларини аниқлаш ҳам мазкур масаланинг ечимига муҳим аҳамият касб этади.

Илғор тажрибаларни ўрганиш шунинг кўрсатадики, илмий методик жиҳатдан таъминланган таълим жараёни иктидорли ўқувчиларни ўқитиш ва ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Бизнингча, иктидорли болаларнинг қобилият қуртаклари ва лаёқатларини ривожлантириш учун алоҳида мактаблар ташкил этиш зарурияти мавжуд эмас. Барча умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш шундай ташкил этилиши керакки, иктидорли ўқувчилар ўз қобилиятларини тўлақонли ривожлантириш имкониятига эга бўлсинлар.

Иктидорли болалар учун ташкил этиладиган мактаблар уларни излаш ва танлаш мақсадида вужудга келтирилган. Иктидор – табиатдан инсонга берилган неъматдир. Иктидор – инсоннинг биологик асосини шакллантирувчи генетик маълумот эмас, балки атроф-муҳит ва таълимнинг таъсири натижаси ҳамдир. Шунинг учун ҳам иктидор инсоннинг муайян фаолиятдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. иктидорнинг шаклланиши фақат таълим-тарбия жараёнидагина амалга ошади. Иктидор – ўқувчига юкланган ўқув меҳнатининг натижасидир. Тайёр иктидорларни излаш муаммони ҳал қилишнинг ягона йўли эмас. Муаммо шунда намоён бўладики, ўқувчиларнинг иктидорини тарбиялаш ва унинг қуртакларини ривожлантириш ҳар бир ўқув муассасасида амалга ошириладиган таълим жараёнида таъминланиши лозим. Бунинг учун ўқув муассасаларида зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш керак. Мазкур шарт-шароитни вужудга келтириш учун ўқитувчилар ва мактаб маъмурияти «Иктидор нима?» ва «Иктидорли ўқувчи қандай бўлиши лозим?» деган саволга жавоб бера олиши керак.

Иктидорли ўқувчилар қуйидаги қирралари билан ажралиб турадилар:

1. Эътиборлилик, диққатларининг марказлашганлиги, кучайтирилган вазиятларда ишлаш учун мунтазам тайёрлик.

2. Меҳнатга тайёрлик, меҳнатсеварликнинг мунтазам ривожланиши, чармасдан ишлашга эҳтиёжмандлик.

3. Тафаккурнинг жаддлиги, фикрий жараёнларининг тезлиги, ақлнинг ишқилиги, таҳлил қилиш ва умумлаштириш имкониятининг юқорилиги, ақлий фаолиятининг юқори даражадаги маҳсулдорлиги.

4. Билиш қизиқишларининг кенг доиралиги, фикрий фаоллиқнинг мунтазам намоди бўлиши кабилар.

Маъкур сифатларнинг аксарият қисми ўқитувчилар томонидан ўқувчилар фаолиятини мақсадга тўғри йўналтирилиши натижасида таркиб топади. Шунга қўра, ҳаётдорлилик ва лаёқатлилик муайян шароитларда шакллантирилиб, таълим-тарбия маҳсули сифатида намоди бўлади. Шунинг учун ҳам, фанлар чуқурлаштирилган синфларда мақсадга йўналтирилган ўқув меҳнати ёрдамида ўқувчиларнинг истидорларини ривожлантириш уларда мавжуд бўлган лаёқат суратларини тарақсий эттириш учун зарур педагогик шароит сифатида хизмат қилади.

Аммо, меҳнат ва меҳнатсеварлик лаёқатини ўрнини босмаса-да, унинг ривожланишига имконият яратади.

Юқоридагилар асосан кўпиндаги хулосаларни баён қиламиз:

1. Чуқурлаштирилган таълим ўзига хос дидактик имкониятларга эга бўлиб, унинг мазмуни фанлар бўйича таянч ўқув дастурлари натижасида таълимилади.

2. Чуқурлаштирилган таълим ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини қаноатлантирган ҳолда ташкил этилиб, уларни интенсив равишда ривожлантириш имкониятига эга.

3. Чуқурлаштирилган таълимнинг асосини чуқурлаштирилган ўқув дастурлари, индивидуал ўқув режалари ва ўқувчиларни мустақилликка улоқчи таълим технологиялари ташкил этади.

4. Чуқурлаштирилган таълимни ташкил этиш мақсадида тузилган индивидуал ўқув режаларининг асосини таянч ўқув режаси ташкил этади.

5. 2-4 синфлар учун она тили таълимининг чуқурлаштирилган мазмуни боғлиқлиги таълим давлат таълим стандартлари, ўқув режаси, она тили дастури негизида танланиб, ўқувчиларнинг личностик билимларини чуқурлаштириш ва нутқ маданиятини ривожлантиришга йўналтирилди. Бунда асосан ўқувчиларнинг мулоқот қўлиқларини кенгайтиришга эътибор қаратилди.

ҒОЙДАЛАНИЛҒАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. 20-29 б.
2. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. 31-61 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони /Маърифат. 2004 йил 22 май.
4. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, - 176 б.
5. Абулхано-Славская К.А. Деятельность и психология личности. – М.: Наука, 1980. – 336 с.
6. Айламазьян А.М. Выбор мотивов деятельности: теоретические аспекты проблемы и экспериментальное изучение // Вопросы психологии, 1990. – № 4. – С. 123-127
7. Алешина М.В. Педагогическая поддержка индивидуального стиля учения школьников: Дисс. ... канд. пед. наук. – Саратов, 1999. – 201 с.
8. Айзенк Г.Ю. Интеллект: новый взгляд. // Вопр. психологии. – 1995. – №1. – С.111-131.
9. Андреева Л.Н. Педагогическая технология управления процессом обучения одаренных детей: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Казань, 2000. – 28 с.
10. Асмолов А.Г., Ягодин Г.А. Образование как расширение возможностей развития личности (от диагностики отбора к диагностике развития). // Вопр. психологии. – 1992. – №1. – С.6-13.
11. Андронатий В.В. Дифференцированный подход к процессу обучения общеобразовательным предметам в профессиональном лицее: Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. – СПб, 1998
12. Балл Г.А. Теория учебных задач. – М.: Педагогика, 1990. – 183 с.
13. Белова Е. Одаренные дети. // Дошкольное воспитание. – 1991. – №4. – С.69-75; 1996. – №5. – С.31-38; 1996. – №10. – С.76-87.
14. Белова Е.С. Одаренность малыша раскрыть, понять, поддержать. – М.: Флинта, 1998. – 144 с.
15. Богданова Е.А. Индивидуально-личностное развитие подростков в инновационной системе обучения: Дисс. ... канд. пед. наук. – Самара, 1999. – 175 с.
16. Бодалев А.А. Психология личности. – М.: Изд-во Московского университета, 1988. – 188 с.
17. Бондаревская Е.В. Воспитание и развитие личности в обновляющейся системе образования // Педагогические системы в школе и вузе: технологии и управление: Тез. докл. науч. конф. – Волгоград: Перемена, 1993. – С. 14-16
18. Бондаревский В.Б. Воспитание интереса к знаниям и потребности к самообразованию. – М.: 1985
19. Бочкина Н.В. Ситуация выбора в учебном процессе // Инновационные технологии в учебно-педагогическом процессе школы и вуза. – Волгоград: Перемена, 1993. – С. 90-96
20. Вазина К.Я. Самообразование человека и модульное обучение. – Новгород, 1991. – 102 с.
21. Веденов А.А. Моделирование элементов мышления. – М.: Наука, 1988
22. Вендровская Р.Б. Уроки дифференцированного обучения // Сов. пед., 1990. – № 11 – С. 78-86
23. Виноградов В.Н. Роль дифференциации в повышении статуса

педагогической системы (на уровне учителя, группы учителей, школы). Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. – СПб, 1994

24. Волкова М.В. Организация дифференцированного обучения старшкклассников в условиях учебно-воспитательного комплекса. Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. – Чебоксары, 1997

25. Воскресенская Н.М. Дифференциация обучения в школах Англии // Сов. пед., 1988. – № 12. – С. 118-124

26. Генцицкий В.И. Индивидуализация как предмет педагогической антропологии // Сов. пед., 1991. – № 9 – С. 46-49

27. Гинзбург М.Р. Психологическое содержание личностного самоопределения // Вопросы психологии. – 1994. – № 3. – С. 43-53

28. Гончарова О.В. О гуманистической направленности в работе с одаренными детьми. // Гуманизация образования и проблемы развития личности. – Волгоград: Перемена, 2000. – С.60-71.

29. Гребенюк О.С. Педагогика индивидуальности: Курс лекций. – Калининград, 1995. – 94 с.

30. Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. – М.: Педагогика, 1986. – 239 с.

31. Пуллошев Ж.Г. Таълим янгиланиш йўлида. – Т.: Ўқитувчи, 2000. 207-б.

32. Педагогика фани қонунчилиги. //Джурас Р., Сафарова Р., Ибрагимов Х., Мусаев У. / Халқ таълими, 2004. №5, 8-33-бетлар.

33. Сафарова Р., Нисоглова М. Бошланғич синфлар учун чуқурлаштирилган она тили дастури. – Т.: 2009 й. РТМ.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
-----------------	---

1 БОВ. ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Чуқурлаштирилган таълимни ташкил этишга онд назарий ёндашулар ва маънуд таъриботлар	7
1.2. Иккиларчи ўқувчиларга таълим беришга онд дидактик ёндашулар	19
1.3. Чуқурлаштирилган таълимни ташкил этишнинг кўбрий асослари	25
1.4. Чуқурлаштирилган таълим жараёнининг дидактик хусусиятлари ва уни ташкил этиш инновациялари	32
1.5. Чуқурлаштирилган таълим мазмунининг модернизациядан параметрлари	38

II БОВ. ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ВА УНИ ТАНИЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

2.1. Фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфларда таълим мазмунининг танлашнинг дидактик асослари	46
2.2. Чуқурлаштирилган она тили таълими мазмунининг танлашга онд дидактик ёндашулар	62
2.3. Бошланғич синф она тили курсининг чуқурлаштирилган мазмуни	73
2.4. Чуқурлаштирилган таълимни ташкил этиш технологиялари	83
Хулоса	91
Фойдаланилган адабиятлар рўйхати	94

Р.Г.Сафарова, Р.У.Нуржанова,
Ф.И.Юсупова, С.У.Ибрагимов

ФАНЛАР ЧУҚУРЛАШТИРИЛИБ ЎҚИТИЛАДИГАН СИНФЛАРДА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

«Сано-стандарт» Тошкент, 2012

Нашр учун масъул *М.Умирова*
Мухаррир *А. Тилавов*
Техник муҳаррир *М.Зоҳидов*
Саҳифаловчи *И.Зоҳидова*

Наш.лиц. № АІ 177, 03.01.2011.

Теришга 27.11.2012 йилда топширилди. Босишга 03.12.2012 йилда рухсат
этилди. Бичими: 60x84 ^{1/16}. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 5,58.
Нашр б.т. 5,52. Адади: 3600. Бунортма №26. Баҳоси шартнома асосида

«Сано-стандарт» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95

*«Сано-стандарт»
нашриёти*

ISBN 978-9943-396-98-2



9 789943 396982